

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

4 СОН, 2 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 4, ВЫПУСК 2

LAWYER HERALD

VOLUME 4, ISSUE 2



TOSHKENT-2022

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали

№4 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-4>

Бош муҳаррир:
Рабиев Шерзод Миржалилович

Адлия вазирлиги қошидаги
Юристар малакасини ошириш
маркази директори

Бош муҳаррир ўринбосари:
Отажонов Абдоржон Анварович

Адлия вазирлиги қошидаги
Юристар малакасини ошириш маркази
профессори, юридик фанлари доктори,
профессор

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Окюлов Омонбой

*Юристар малакасини ошириш маркази
профессори, юридик фанлари доктори,
профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист*

Саидова Лола Абдувахидовна

Юридик фанлари доктори

Тошев Бобокул Норқобилович

Юридик фанлари доктори, профессор

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусаҷонович

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси бошлигининг ўринбосари, юридик
фанлари доктори, профессор*

Отаҳонов Фозилжон Хайдарович

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
хузуридаги қонунчилик муаммолари ва
парламент тадқиқотлари институтининг
директори, юридик
фанлари доктори, профессор*

Баймолдина Зауреш Ҳамитовна

*Қозғистон Республикаси Олий Суди
Академияси ректори, юридик фанлари номзоди*

Годунов Валерий Николаевич

*Белорус давлат университети ўқув муассасаси
"Судьялар, прокуратура, суд ва адлия
муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш институти" директори,
юридик фанлари доктори, профессор*

Масъул котиб:

Раҳманов Шухрат Наимович

*Юристар малакасини ошириш маркази
кафедра мудири, юридик фанлари номзоди*

Саҳифаловчи: Халиков Миртоҳир Мирзакирович

Контакт редакцији журнала:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.

WEB: yuristjournal.uz

E-mail: info@yuristjournal.uz

yuristjournal@gmail.com

Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan

WEB: yuristjournal.uz

E-mail: info@yuristjournal.uz

yuristjournal@gmail.com

Telephone: (+99871) 2345345

Общественно-правовой и научно-практический журнал
ВЕСТНИК ЮРИСТА

№4 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-4>

Главный редактор:
Рабиев Шерзод Миржалилович

Директор Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции

Заместитель главного редактора:
Отажонов Абдоржон Анварович

Профессор Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции, доктор юридических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:
Общественно-правовой и научно-практический журнал
ВЕСТНИК ЮРИСТА

Окюлов Омонбой

Профессор Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук, профессор, Заслуженный юрист Республики Узбекистан

Саидова Лола Абдувахидовна

Доктор юридических наук

Тошев Бобокул Норкobilович

Доктор юридических наук, профессор

Мамасиддиков Музаффаржон Мусаждонович

Заместитель начальника Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор

Отахонов Фозилжон Хайдарович

Директор Института проблем законодательства и парламентских исследований при Олий Мажлисе Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор

Баймолдина Зауреш Хамитовна

Ректор Академии правосудия при Верховном Суде Республики Казахстан, кандидат юридических наук

Годунов Валерий Николаевич

Директор учреждения образования "Институт переподготовки и повышения квалификации судей, работников прокуратуры, судов и учреждений юстиции Белорусского государственного университета", доктор юридических наук, профессор

Масъул котиб:

Рахманов Шухрат Наимович

Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, кандидат юридических наук

Верстка: Халиков Миртохир Мирзакирович

Контакт редакции журнала:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99871) 2345345

**Public, legal and scientific-practical journal of
LAWYER HERALD**
№4 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-4>

Chief Editor:
Rabiyev Sherzod Mirjalilovich

Director of the Lawyers' Training Center
under the Ministry of Justice

Deputy Chief Editor:
Otajonov Abrorjon

Professor at the Lawyers' Training Center, Doctor
of Law Sciences, Professor

EDITORIAL BOARD

**Public, legal and scientific-practical journal of
LAWYER HERALD**

Oqyulov Omonboy

*Professor at the Lawyers' Training Center, Doctor
of Law Sciences, Professor, Honored Lawyer of
the Republic of Uzbekistan*

Saidova Lola

Doctor of Law Sciences

Toshev Bobokul

Doctor of Law Sciences, Professor

Mamasiddikov Muzaffarjon

*Deputy Head of the Academy of the General
Prosecutor's office of the Republic of Uzbekistan,
Doctor of Law Sciences, Professor*

Otaxonov Foziljon

*Director of the Legislation and Parliamentary
Research Institute under the Oliy Majlis of the
Republic of Uzbekistan
Doctor of Law Science, Professor*

Baymoldina Zauresh

*Rector of the Academy of Justice at the Supreme
Court of the Republic of Kazakhstan, Candidate of
Legal Sciences*

Godunov Valeriy

*Director of the educational institution «Institute
for retraining and advanced training of judges,
employees of the prosecutor's office, courts
and justice institutions of the Belarusian State
University», Doctor of Law Sciences, Professor*

Executive Editor:
Rakhmanov Shukhrat

*Head of the Department at the Lawyers' Training
Center, Candidate of Juridical Science*

Pagemaker: Khalikov Mirtokhir

Контакт редакции журнала:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99871) 2345345

**ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

1. МАНСУРОВА Нилуфар Мухсинжон қизи
ФАХРУДДИН ЎЗГАНДИЙНИНГ ЭР-ХОТИННИНГ МУЛКИЙ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ
ТЎҒРИСИДА ҚАРАШЛАРИ..... 8

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ**

2. МАДРИМОВ Хушнуд Кувандикович
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ
ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ СУДДА ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ
АЙРИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ..... 14

3. АЗАТОВ Жаҳонгир Айбекович
ЗАЩИТА ДОВЕРИЯ КАК ПРИНЦИП АДМИНИСТРАТИВНЫХ ПРОЦЕДУР 21

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ
ҲУҚУҚИ. ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ**

4. САЛИМОВА Ирода Мамаюсуфовна
ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИНГ ТААЛЛУҚЛИЛИГИ ВА СУДЛОВЛИЛИГИ:
ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ..... 29

5. АЧИЛОВА Лилия Илхомовна, АШУРОВА Мадина
ЗНАЧЕНИЕ И РОЛЬ ПОНЯТИЯ «ПУБЛИЧНЫЙ ПОРЯДОК» В МЕЖДУНАРОДНОМ
КОММЕРЧЕСКОМ АРБИТРАЖЕ 36

6. ЭРКАБАЕВА Шахноза Икромжоновна
ИСТОРИЧЕСКИЕ ПРЕДПОСЫЛКИ РАЗВИТИЯ ИНСТИТУТОВ ОГРАНИЧЕННОГО
ПАРТНЕРСТВА И КОММАНДИТНОГО ТОВАРИЩЕСТВА 44

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.
КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ**

7. ХАМЗАЕВ Дилавер Дилшод угли
ГЕНЕЗИС ЗАКОНОДАТЕЛЬНОСТВА О БОРЬБЕ С ТРАНСНАЦИОНАЛЬНЫМИ
ФИНАНСОВЫМИ ПРЕСТУПЛЕНИЯМИ 53

8. УТЕМУРАТОВА Сапаргул Шамшетовна
АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРДА
(ЖК 193-196 МОДДАЛАР) ЖИНОИЙ ОҚИБАТ ТУРЛАРИ..... 63

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА,
ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

9. МАХМУДОВ Суннатжон Азим ўғли
ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШДА ИСБОТ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ 69

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

10. ГАФУРОВА Нозимахон Эльдаровна
ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ И ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ
МЕДИЦИНЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН..... 78

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

11. ХУЖАЕВ Шохжахон Акмалжон угли ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ОГРАНИЧЕНИЯ ДОСТУПА К СОЦИАЛЬНЫМ СЕТЯМ В УЗБЕКИСТАНЕ.....	88
12. ШУКУРОВА Мухаё Мукумжановна ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	97
13. МУКУМОВ Бобур Мелибой угли ОЦЕНКА РЕГУЛИРУЮЩЕГО ВОЗДЕЙСТВИЯ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ В СФЕРЕ ЦИФРОВОГО БАНКИНГА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И ДРУГИХ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ	107

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

МАНСУРОВА Нилуфар Мухсинжон қизи
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази таянч докторанти
[ORCID 0000-0003-3206-7077](https://orcid.org/0000-0003-3206-7077)
E-mail: zahratushshams@gmail.com

ФАХРУДДИН ЎЗГАНДИЙНИНГ ЭР-ХОТИННИНГ МУЛКИЙ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҚАРАШЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): МАНСУРОВА Н.М.
Фахруддин Ўзгандийнинг эр-хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида
қарашлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2022)
Б. 8-13.

 4 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-4-1>

АННОТАЦИЯ

Мақола юртимиздан етишиб чиққан буюк фақиҳ Фахруддин Ўзгандий “Фатавои Қозихон” асарининг оила-никоҳ масалаларига бағишланган қисмида ёритилган эр-хотиннинг никоҳ давомидаги ва у тугатилганидан кейинги шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўрганилган. Шунингдек, мақолада ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси “Оила кодекси”да келтирилган миллий қонунчилик нормалари ҳам ўрин олган.

Калит сўзлар: “Фатавои Қозихон”, никоҳ, мажбурият, Оила кодекси, миллий қонунчилик.

МАНСУРОВА Нилуфар Мухсинжон кизи
Докторант (PhD) Национального центра Республики Узбекистан
по правам человека
[ORCID 0000-0003-3206-7077](https://orcid.org/0000-0003-3206-7077)
E-mail: zahratushshams@gmail.com

ПРАВОВЫЕ ВЗГЛЯДЫ ФАХРУДДИНА УЗГАНДИ НА ИМУЩЕСТВЕННЫЕ ПРАВА И ОБЯЗАТЕЛЬСТВА СУПРУГОВ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются личные и имущественные обязательства и права

супругов во время брака и после его расторжения в разделе, посвященным брачным-семейно вопросам в произведении «Фатавой казихон» Фахруддина Узганди великого факиха, родом из нашей страны. Также, в статье по данному вопросу приведены нормы национального законодательства, представленные в Семейном кодексе Республики Узбекистан.

Ключевые слова: Фатаваи Казихан, брак, обязательства, Семейный кодекс, национальное законодательство.

MANSUROVA Nilufar

Doctoral student (PhD) of the National Center for Human Rights of the Republic of Uzbekistan

[ORCID 0000-0003-3206-7077](https://orcid.org/0000-0003-3206-7077)

E-mail: zahratushshams@gmail.com

LEGAL VIEWS OF FAHRUDDIN UZGANDI ON PROPERTY RIGHTS AND OBLIGATIONS OF SPOUSES IN “FATAWAI KAZIKHAN”

ANNOTATION

The article discusses the personal and property obligations and rights of spouses during marriage and after its dissolution in the section devoted to marital and family issues in the work “Fatawai Kazikhan” by Fakhruddin Uzgandi the great fakih, originally from our country. In addition, the article on this issue contains the norms of national legislation set in the “Family Code” of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: “Fatawai Kazikhan”, marriage, obligations, Family Code, national legislation.

Оила инсоният тарихидаги энг қадимги институтлардан бири бўлиб, унинг мустақамлиги ҳамма замонларда долзарб муаммолардан саналган. Башарият тараққиётининг барча даврларида азал-азалдан жамиятнинг илк бўғини бўлган оилани ташкил қилиш, уни мустақамлаш, оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш, бола тарбиялаш, никоҳни бекор қилиш, унинг оқибатлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинган. Ҳаммурапи қонунлари, Ману қонунлари ва Авестода оилавий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ институтлари ва нормаларига катта ўрин ажратилганлиги ушбу фикрнинг исботидир [4, Б.8].

Ислом динининг Мовароуннаҳр диёрига кириб келиши минтақанинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида янгича ҳуқуқий воқеъликни юзага келтирди. Авваллари Авестода мавжуд қонун-қоидалар ва бошқа нормалар билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар ўрнини ислом ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинувчи муносабатлар тизими эгаллади.

Шу билан бирга ота-боболаримиз ислом ҳуқуқига оид китоблар ёза бошладилар. Бу асарлар жумласига Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя”, Фахруддин Узгандийнинг “Фатавои Қозихон”, Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Мухтасарул виқоя” каби бир қанча асарларни намуна қилиб келтиришимиз мумкин. Улар мерос қолдириб кетган асарлар ўз ўрнида турли даврларда мадрасаларда дарслик, айрим давлатларда асосий фатво манбаи сифатида хизмат қилган.

Фикҳий асарлар орасида ўзининг алоҳида мавқеъига эга асарлардан бири “Фатовои Қозихон” ҳисобланиб, унинг муаллифи Имом Фахруддин Ҳасан ибн Мансур Узгандий ал-Фарғонийдир. Қораҳонийлар даврида ёзилган ушбу асар XVII асрга келиб ҳанафийлик мазҳабидаги машҳур асарга айланган ҳамда Усмонлилар

салтанатида Султон Қонуний даврида ҳуқуқ амалиётининг асосий манбаси бўлиб хизмат қилган.

“Фатовои Қозихон” асарида ҳам бошқа асарлар сингари ислом ҳуқуқи соҳалари алоҳида китобларга ажратган ҳолда баён қилинган. Асарда оила ҳуқуқига доир икки китоб ажратилган бўлиб, уларнинг бири никоҳ, унинг шартлари ва ундан келиб чиқадиган мулкӣ ва номулкий ҳуқуқлар ҳамда мажбуриятларни қамраб олувчи “Никоҳ китоби” деб номланади. Яна бири эса, никоҳнинг тугатилиши ва унинг ҳуқуқий оқибатлари билан боғлиқ бўлиб, у “Талоқ китоби” (никоҳнинг бекор бўлиши ҳақида китоб) деб номланади. Асарнинг айнан шу қисмида эр-хотиннинг шахсий-мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари баён этилган.

Ислом таълимоти бўйича илм олишда, касб-ҳунар ўрганишда, оила қуришда, никоҳга киришишда, никоҳни тугатишда, савобли ишларни қилишда, намоз ўқишда, закот беришда, рўза тутишда, ҳажга боришда, аёллар ва эракакларнинг ҳуқуқи бир хил. Шунингдек, аёлларнинг ҳам касб қилишларида ҳеч қандай тўсиқлар кўрсатилмаган. Бу ҳақида Қуръони Каримнинг қатор оятлари ва ўнлаб ҳадислар бор. “Нисо” сураси 32-оят “Аллоҳ бирингизни бирингиздан бирор неъмат билан ортиқ қилиб қўйган бўлса, сизлар уни (ҳасадгўйлик билан) орзу қилманг! Эракаклар ҳам ўз насибаларидан олурлар, аёллар ҳам ўз касбларидан улуш олурлар” [4, Б.83] дейилади.

Мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлар хусусида сўз борганда эса, ислом ҳуқуқи нормаларида биз кўпроқ аёлларнинг ҳуқуқларини ва эракакларнинг мажбуриятларини ёритилганига гувоҳ бўламиз. Умумий асосда, ислом ҳуқуқида хотиннинг эрдаги мулкӣ ҳуқуқларига қуйидагилар киради: маҳр, нафақа, мерос ҳуқуқи.

Маҳр – бу аёл никоҳга киришишда эрнинг таклифини қабул қилгани эвазига унга бериладиган моддий бойликдан иборат [3, Б.220]. Маҳр эрнинг мажбурияти, аёлнинг эса ҳуқуқи ҳисобланади. Маҳр никоҳнинг асосий шарти бўлмай, никоҳ шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятдир. Шунинг учун ҳанафӣ мазҳабида никоҳ вақтида маҳр белгиланмаса ҳам никоҳ дуруст ҳисобланиб, ўз-ўзидан маҳр мисл, яъни ўша юртда аёл-қизларга бериладиган ўртача миқдорда маҳр бериш лозим [3, Б.221].

“Фатовои Қозихон” асарида маҳр масаласига алоҳида боб ажратилган бўлиб, у “Маҳр зикр қилинган масалалар ҳақида боб” деб аталади. Ушбу бобда бошқа фикҳӣ асарлардагидек маҳрнинг энг кам миқдори масаласига батафсил тўхталмайди, балки муаллиф тўғридан-тўғри маҳр билан боғлиқ масалаларни ёритишга ўтган. Фаҳруддин Қозихоннинг фикрига кўра, маҳр – маълум қийматга эга бўлган молдан бошқаси бўлмайди, агар номаълум бир мол зикр қилиниб, аёлга ҳайвон ёки либос билан уйланилса, аёлга ўша юртда аёл-қизларга бериладиган ўртача миқдорда маҳр берилади. Агар киши аёлга: “мана бу қулнинг қийматиға” ёки “мана бу ҳовлининг қийматиға тенг маҳр билан уйландим”, – деб айтса, маҳр аниқ зикр қилинмагани боис никоҳ маҳри мисл билан жоиз бўлади” [5, Б.227].

Эрнинг хотиндаги мулкӣ мажбуриятлари ва шу билан биргаликда аёлнинг ҳуқуқларидан яна бири нафақа бўлиб, нафақа сўзи луғатда “сарфлаш” маъносида ишлатилиб, фақатгина ижобӣ маънода қўлланилади. Мазмунан эса, кишининг ўз қўли остидагиларини, яъни хотини, болалари, ота-онасини моддий эҳтиёжларини таъминлаши тушунилади [6, Б.141].

“Фатовои Қозихон” асарида нафақа учун алоҳида боб ажратилган бўлиб, асарда нафақа билан боғлиқ қуйидаги масалалар баён этилган:

- Идда нафақаси ҳақида фасл;
- Фарзандлар нафақаси ҳақида боб;
- Ота – она ва қариндошлар нафақаси ҳақида фасл;
- Қулнинг (чўрининг) нафақаси ҳақида фасл.

“Талоқ китоби”нинг “Нафақа боби” да келтирилган маълумотларга кўра, вожиб (бажарилиши зарур бўлган – Н.М.) нафақаларга қуйидагилар киради: таом, либос, турар-жой [5, Б.254].

Фахруддин Ўзгандийнинг таом нафақаси хусусида фикри қуйидагича: “Бизда (Ҳанафий мазҳабида) нафақа аниқ қилиб белгиланмаган, лекин киши аёлига етарли бўлганини яхшилик билан таъминлаб қўйиши лозим. Бу замон ва маконлардаги хилма-хилликлар билан турлича бўлади. Киши аёлига етарлича нон билан биргаликда нонга қўшиб ейиладиган нарсалар билан ҳам таъминлаши жоиз, сабаби, нон бир ўзи эмас, бошқа нарсалар билан қўшиб ейилади. Аллоҳ таолонинг Моида сураси 89-оятдаги қуйидаги **“оилангизни озиклантириш учун лозим таомларнинг ўртача миқдориди”** жумласини қуйидагича тафсир қиладилар: “Киши ўз аҳлини энг аъло таомлантириши бу нон ва гўштдир, ўртача таомлантириши эса, нон ва ёғ; энг охиргиси эса нон ва сут билан таомлантиришидир. Ёғ эса хусусан, сарёғ бўлиши керак. Буларнинг барчаси ўз урфлари бўйича бўлади.

Бизнинг ҳанафий мазҳабидаги урфда эса, аёлнинг нафақаси инсонлар ва вақтлардаги хилма-хиллик боис турлича бўлади. Нафақа дирҳамлар билан ўлчанмайди. Бироқ, шофеъий мазҳаби асосчиси, Имом Шофеъий (р.х.) шундай дейди: “Нафақа бойнинг бўйнида икки марта, ўртаҳолнинг бўйнида эса, бир ярим маротаба, ночор киши учун эса, бир маротаба” деб айтади.

Қозихон эса ушбу фикрга эътироз билдириб, “Бу нотўғри, сабаби етарли бўлиши вожиб қилиняпти, бу эса, шахслар ва вақтлардаги хилма-хиллик билан турлича бўлади,”– дейди [5, Б.254].

Либос нафақаси хусусида Фахруддин Қозихон Имом Муҳаммад Шайбонийнинг фикрига қўшилиб, унинг фикрини келтиради: йилда бир маротаба иккита кўйлак, ёпинчиқ ва милҳафа олиб беришдир, деб зикр қилади. Милҳафа хусусида кўпчилик ихтилоф қилганлар. Баъзилар уни : “бу аёл киши кўчага чиқаётганда киядиган либос”, деса, бошқалар уни “у тунда ёпинадиган тунгги ёпинчиқ(кўрпа)” деб айтишади. Юқорида зикр қилинган икки кўйлак ва икки паранжилардан мурод қишки ва ёзгиларидир. Ёзгиси: “юпқа бўлган, иссиқ пайтга яроқли бўладиган бўлиши керак. Қишгиси эса: қалин бўлиши, совуқдан ҳимоялашга яроқли бўлмоғи жоиз [5, Б.254].

Муаллифнинг фикрига кўра, бизнинг диёримиз Мовароуннаҳрда либос нафақасига шалворлар, либослар жубба (енги узун кўйлак), шунингдек, ухлаганда тагига тўшак, устига ёпинчиқ, қишда совуқдан ҳимояловчи жун матодан бўлган, ёзда эса, иссиқдан ҳимояловчи ипак матодан бўлган узун энгли кийим бўлиши керак [5, Б.254].

Яшаш жойи нафақаси борасида Ўзгандий ўз қарашларини қуйидагича баён этади: “Аёл ўзининг нарсаларини омонликда сақлаши учун алоҳида уйга эгалик қилиши унинг ҳуқуқи ҳисобланади. У ерга киришга эрнинг қариндошлари ҳаё қилишлари керак. Агар кишининг онаси ёки синглиси ёки яна хотини бўлса аёл: “мени бошқа алоҳида манзилга ўтказинг”, деб айтган тақдирда бу эрнинг зиммасида бўлади. Чунки аёл ўз нарсаларини омон сақлай олмаяпти, агар уй битта бўлса, эрнинг қариндошлари унинг уйига кириши керакмас. Агар ховли бўлиб, унда кўплаб уйлар бўлса ва эр аёлга битта қулфланадиган ва очиладиган (ховлига караб очиладиган-Н.М.) уйни берса, агар унга азият берувчи эрнинг яқинларидан бўлмаса, эрдан бошқа уйни талаб қилиш ҳуқуқи бўлмайди” [5, Б. 256].

Аёлнинг мерос олиш ҳуқуқи масаласи борасида “Фатовои Қозихон” асарининг “Никоҳ китоби” ва “Талоқ китоби” қисмларида аёлнинг айнан мерос олиши билан боғлиқ боб ёки фасл йўқ. Ушбу масала асарнинг фақатгина “Мерос оладиган идда сақловчи ҳақидаги фасл” қисмида мавжуд бўлиб, унда муаллиф қуйидаги масалаларни зикр этади:

“Киши ўз аёлини касал ёки соғ пайтида ражъий талоқ (никоҳни қайта тузишга рухсат берувчи талоқ тури – Н.М.) қилиб идда даврида вафот этса, аёл мерос олади. Шунингдек, аёл иддада вафот этса ҳам эр мерос олади. Агар касал ёки соғломлигида боин талоқ (никоҳни буткул бекор қилувчи талоқ тури– Н.М.)қилса ва вафот этса, мерос олмайди. Агар идда ўтганидан кейин вафот этса, мерос олмайди. Ибн Абу Лайло: “унга мерос берилади” деб айтади” [5. Б.350]–дея Қозихон ушбу ҳолатга доир фатволарни таҳлил қилади.

Умумий қоидага биноан эса, ислом ҳуқуқида, аёлнинг мерос ҳуқуқи мавжуд бўлиб, Аллоҳ таоло Қуръони карим Нисо сурасининг 7-оятида шундай марҳамат қилади: “Аёллар учун (ҳам) ота-оналари ва яқин қариндошлари қолдириб кетган (меросдан) улуш бордир. Бу озми-кўпми фарз қилинган улушдир” [4, Б.78]. Нисо сурасининг 11-оятига кўра мерос тақсимооти қуйидагича ҳисобланади: “Аллоҳ фарзандларингизга (мерос юзасидан) бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида (мерос беришни васият қилади). Агар (меросхўрлар) иккидан ортиқ бўлса, уларга (марҳум) қолдирган нарсанинг учдан иккиси, агар якка қиз бўлса, унга (мероснинг) ярми (тегур)....” [4, Б.78].

Ислом ҳуқуқи меросда қиз боланинг ҳаққини ўғил ҳаққининг ярми этиб белгилади. Бундан мурод тенгсизликни ўрнатиш эмас, балки жараённи ҳар тарафлама кўра билишдир. Масалан йигит киши ўз оиласининг моддий таъминотчиси бўлиб, у ўз зиммасида нафақат фарзандлари балки, аёлининг ҳам нафақасини кўтариб туради. Қизда эса ўз меросини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи мавжуд бўлиб, унинг зиммасида на маҳр ва на нафақа бор. Ислом шариатида мана шу жиҳатларга эътибор бериб мерос тақсимоотида эркакларга имтиёзлар берилган.

Исломда нафақат аёллар эрларидан балки, эрлар ҳам ўз аёлларидан мерос олиш ҳуқуқига эгалар. Қуръони карим Нисо сурасининг 12-ояти айнан мана шу масалага боғлиқ бўлиб, унга кўра, хотин вафот этса, умуман боласи бўлмаса, эр мероснинг яримини олади; боласи бўлган тақдирда эрга мероснинг $\frac{1}{4}$ қисми тегади.

Оилада эр ва хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари хусусида сўз борганда, биз албатта замонавий қонунчиликка мурожаат қилишимиз табиӣ. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг айнан 5-боби эр ва хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари масаласига бағишланган бўлиб, унда келтирилишича: “Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади... Эр ва хотиндан бири уй-рўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади.” [Батафсил: Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, 23-модда] Қолаверса, эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадея, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади. [Батафсил: Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, 25-модда] Шунингдек, мерос олишда эр ёки хотин қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислар қаторига киритилган. [Батафсил: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 1135-модда.]

Хулоса қилиб айтганда, ислом ҳуқуқи манбаларида эркак ва аёлнинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари борасида жуда катта масалалар ўрганилган бўлиб, уларнинг барчаси оиланинг мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган. Фатавои Қозихон асарининг оилавий муносабатларга доир қисмини ўрганар эканмиз, албатта уларнинг замонавий қонунчилик нормалари билан ҳамоҳанг эканлигига гувоҳ бўламиз. Никоҳда розилик оила қуришнинг ихтиёрийлигини билдирса, унинг гувоҳлар иштирокида тузилиши оила қурувчиларни турли тўхматлардан ҳимоя қилиш ва насл-насаби билан боғлиқ масалаларни, ўзаро ҳуқуқ ва мажбурият масалаларини белгилайди, руҳий соғломлик ва яқин қариндошлик муносабатида бўлмаслик ҳар икки инсоннинг оила масъулиятини англаши ва авлодларни турли ирсий касалликлардан ҳимоя қилиш учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Шунингдек, ислом ҳуқуқида мавжуд маҳр, нафақа каби тушунчалар ҳар томонлама аёлни ҳимоя қилиб, беҳуда ажримлар сони кўпаймаслигига қаратилганини кўриш мумкин. Таъкидлаш жоизки, никоҳдан ажратилганда энг кўп жабр кўрувчи тараф аёллар эканини ҳисобга олган ҳолда ислом шариати маҳрни аёлнинг хусусий мулки қилиб

белгилади ва у аёлга нафақат никоҳ даврида балки, никоҳ тугатилган деб топилганда ҳам тегишлилиги сақланишига эътибор қаратди. Бу эса, оилада аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эгадир.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. // URL: <https://lex.uz/docs/104720>
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. // URL: <https://lex.uz/docs/180552>
3. “Ислом ҳуқуқшунослиги: ўқув қўлланма/Муаллифлар: Ж.Тошқулов, Н.Юсупова, И. Бекмирзаев, А.Сарсенбаев, С. Масаидов./ Масъул муҳаррир: Ж.Тошқулов. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. – 408 б.
4. Мансуров. А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. – 618 б.
5. Фахруддин Абулмахофир Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий. “ناخية ضلالا و اوائف” (Қозихон фатвоси), 7-жилд. Байрут: “Дарул фикр”, 2010. – 376 б.
6. Юсупова Н. Ж. “Исломда оила ҳуқуқи: ўқув қўлланма”. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015. – 320 б.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

МАДРИМОВ Хушнуд Кувандикович

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси
E-mail: kh.madrimov@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ СУДДА ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): МАДРИМОВ Х.К.
Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний
манфаатларини судда ҳимоя қилишнинг айрим долзарб масалалари // Юрист
ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2022) Б. 14-20.

 4 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-4-2>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари ва Ўзбекистон қонунчилигини ўрганиш асосида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ маъмурий низо тушунчасига илмий-назарий таъриф берилган. Шунингдек, бундай маъмурий низоларнинг белгилари таҳлил қилинган. Маъмурий низо тушунчасини илмий-назарий тадқиқ этиш натижаларидан келиб чиқиб, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: маъмурий низо, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ маъмурий низо, маъмурий низо белгилари, маъмурий орган, маъмурий суд, маъмурий даъво.

МАДРИМОВ Хушнуд Кувандикович

Самостоятельный соискатель
Ташкентского государственного юридического университета
E-mail: kh.madrimov@gmail.com

НЕКОТОРЫЕ АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СУДЕБНОЙ ЗАЩИТЫ ПРАВ И ЗАКОННЫХ ИНТЕРЕСОВ СУБЪЕКТОВ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ

В статье дано научно-теоретическое определение понятию «административный спор», связанный с защитой прав и законных интересов субъектов предпринимательства, на основе анализа взглядов ученых-правоведов и законодательства Узбекистана. Также, рассмотрены признаки административных споров. По результатам научно-теоретического исследования разработаны предложения по совершенствованию законодательства.

Ключевые слова: административный спор, административный спор, связанный с защитой прав и законных интересов субъектов предпринимательства, признаки административного спора, административный орган, административный суд, административный иск.

MADRIMOV Khushnud

Independent researcher of the Tashkent State University of Law

E-mail: kh.madrimov@gmail.com

SOME ACTUAL ISSUES OF JUDICIAL PROTECTION OF RIGHTS AND LEGAL INTERESTS OF SUBJECTS OF ENTREPRENEURSHIP IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ANNOTATION

This article provides a scientific and theoretical definition of the concept of an administrative dispute connected with protection of rights and legal interests of subjects of entrepreneurship based on the study of the opinion of legal scholars and the legislation of Uzbekistan. Also, the features of such administrative disputes are analyzed. Besides, proposals were developed to improve the legislation, based on the results of a scientific and theoretical research of the concept of an administrative dispute.

Keywords: administrative dispute, administrative dispute connected with protection of rights and legal interests of subjects of entrepreneurship, features of an administrative dispute, administrative body, administrative court, administrative action.

Энг аввало, маъмурий низо тушунчасига аниқлик киритиб олиш лозим. Ҳуқуқшунос олимларнинг илмий ишларида бу ҳақда сўз юритилганда, “маъмурий низо”, “маъмурий-ҳуқуқий низо”, “оммавий низо”, “бошқарув низоси”, “маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо”, “маъмурий иш” каби тушунчалар қўлланилади.

Ушбу тушунчанинг мазмуни, белгилари, тушунчаси ва турлари бўйича олимлар ўртасида турли хил ёндашувлар мавжуд.

Хусусан, Е.Б.Лупарев фикрига кўра, маъмурий-ҳуқуқий низо деганда давлат бошқаруви соҳасида тарафлар ўртасида манфаатлар тўқнашувидан келиб чиққан қарама-қаршилик мавжудлиги билан ёки давлат-ҳокимият бошқаруви ваколати берилган давлат органлари ва шахсларнинг ташкилий фаолият қонунийлиги ва асослилигига нисбатан қарашларининг мос келмаслиги билан характерланадиган комплекс моддий-процессуал маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тушунилади [1].

Е.Б.Лупаревнинг таърифида низонинг субъектлари бўлган тарафлар умумий тарзда кўрсатилиб, уларнинг ўзаро тенг бўлмаган хусусий шахс ва давлат органлари (мансабдор шахслар) эканлиги тўлиқ қамраб олинмаган.

Н.Г.Кипер эса маъмурий-ҳуқуқий низога маъмурий-ҳуқуқий муносабат субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни турлича тушуниш борасидаги тафовутлар, деб таъриф беради [2].

Н.Г.Кипер берган таърифда эса низонинг фақат маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқиши эътироф этилиб, бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган ишлар (масалан, сайлов комиссияларнинг хатти-ҳаракатларидан юзасидан низолар) эътибордан четда қолдирилган.

Лекин, барча оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар ҳам маъмурий низо ҳисобланмайди. Хусусан, конституциявий юстиция предмети бўлган масалалардан келиб чиқадиган оммавий ҳуқуқий муносабатлар (мисол учун, фуқаро ва тадбиркорнинг ўзига нисбатан қўлланилган қонун нормасининг Конституцияга мувофиқлиги ҳақидаги конституциявий шикоят) маъмурий низога тааллуқли бўла олмайди.

О.В.Чекалина маъмурий-ҳуқуқий низони маъмурий ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги индивидуал маъмурий акт ёки мансабдор шахснинг ҳаракати юзасидан тартибга солинадиган баҳсли муносабат мавжуд бўладиган конфликт сифатида тушунтиради [3].

Ушбу ҳолатда маъмурий-ҳуқуқий низо индивидуал қарор ёки мансабдор шахснинг ҳаракати бўйича келиб чиқиши тўғри кўрсатилган бўлсада, мазкур таъриф низонинг мазмунини торайтириб юборган ва низонинг давлат органи томонидан барча ҳокимият ваколатларини амалга ошириш оқибатида юзага келиши тўлиқ қамраб олинмаган.

Умуман олганда, постсовет ҳудудидаги кўпчилик олимлар томонидан низо давлат органига қарши турувчи хусусий шахс сифатида, асосан, фуқаро иштирок этадиган муносабатлардан келиб чиққан ҳолда, маъмурий-ҳуқуқий низога таъриф берилган.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатнинг бир томони тадбиркорлик субъекти эканлигидан келиб чиқиб, маъмурий-ҳуқуқий низони ўрганиш бўйича илмий ишлар эса жуда кам.

Чунки, илгари режали иқтисодиётга асосланган давлатларда соф маънодаги тадбиркорларнинг ўзи мавжуд бўлмаган ва улар фақат бозор муносабатларига ўтиш даврига келиб давлат органлари билан муносабатларда ҳуқуқларини ҳимоя қилишни бошлаган.

Мазкур ҳолат қонун чиқарувчиларга ҳам муайян даражада таъсир кўрсатган бўлиб, қонунчиликда ўзининг изларини қолдирган. Хусусан, маъмурий юстиция бўйича илк қонунлардан бири бўлган 1995 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам бежизга “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида” деб номланмаган. 1987 йил 30 июнь ва 1989 йил 2 ноябрда ушбу масала бўйича қабул қилинган собиқ Иттифоқ қонунларида ҳам фақат фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида сўз юритилган.

Фақат Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрдаги Конституцияси 44-моддасида ҳар бир шахснинг ўзини ҳимоя қилиш учун судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган бўлиб, шахс тушунчаси билан нафақат фуқаро, балки юридик шахслар, жумладан тадбиркорлар ҳам қамраб олинган.

Шу билан бирга, айрим ҳуқуқшунос олимлар низонинг бир тарафи тадбиркор бўлган муносабатларга ҳам алоҳида эътибор қаратиб, бу масала бўйича иқтисодиёт соҳадаги маъмурий-ҳуқуқий низолар доирасида ўз фикрларини билдирган.

Жумладан, Н.В.Сухарева иқтисодиёт соҳасидаги маъмурий-ҳуқуқий низога аниқ маъмурий-ҳуқуқий муносабатдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъектлардан бирининг маъмурий-ҳуқуқий муносабатни юзага келтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш учун асос бўладиган юридик фактларга нисбатан салбий муносабати, деб таъриф беради [4].

Н.А.Яковенко эса арбитраж судида кўриладиган маъмурий-ҳуқуқий низо деганда маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иқтисодий низони тушунади ва низонинг иқтисодий характерини тадбиркорлик субъекти фаолияти

билан боғлайди [5].

Н.В.Сухарева ва Н.А.Яковенко ўз фикрларини кўпроқ иқтисодий низо тушунчасига боғлаган ҳолда асослантирган бўлиб, маъмурий низо ва иқтисодий низонинг умумий жиҳатлари кўп бўлсада, улар тўлиқ бир хил мазмунга эга эмас.

И.М.Дивиннинг фикрига кўра, маъмурий ва бошқа оммавий муносабатлардан келиб чиқадиган низо деганда давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш натижасида маъмурий-ҳуқуқий муносабат субъектлари ўртасида юзага келадиган, процессуал ва маъмурий ҳуқуқ билан тартибга солинадиган келишмовчилик тушунилади. Шу билан бирга, у маъмурий-ҳуқуқий низонинг қуйидаги белгиларини эътироф этади:

- алоҳида субъектлар таркиби,
- низонинг оммавий характерга эгаллиги;
- низони ҳал қилишнинг махсус тартиби [6].

О.В.Чумакова эса маъмурий-ҳуқуқий низонинг белгилари сифатида қуйидагиларни санаб ўтган:

- ушбу низолар давлат бошқаруви жараёни (соҳаси)да юзага келади;
- мазкур низолар алоҳида субъектлар таркибига эга бўлади [7].

Ҳуқуқшунос олимлар фикр-мулоҳазаларини ўрганиш натижасига кўра, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид маъмурий низонинг қуйидаги белгиларини эътироф этиш зарур:

1) субъектларга доир белги – низода тараф сифатида тадбиркорлик субъекти ва унга қарама-қарши турадиган давлат органи ёки ҳокимият ваколатига эга бўлган бошқа тузилма (маъмурий орган) иштирок этади;

2) низо субъектлари ўртасидаги муносабатнинг характерига доир белги – маъмурий орган ва тадбиркорлик субъекти ўртасидаги муносабат вертикал характерга эга бўлиб, бошқарув, моддий, ахборот ва бошқа имкониятларга кўра, улар ўзаро тенг бўлмаган иштирокчилар ҳисобланади;

3) соҳага доир белги – низолар маъмурий ва бошқа оммавий муносабатлардан келиб чиққан бўлиб, бошқарув соҳасида маъмурий орган ўз ҳокимият ваколатларини амалга ошириши оқибатида юзага келади ҳамда ушбу жиҳати билан фуқаролик-ҳуқуқий, иқтисодий-ҳуқуқий ва меҳнат-ҳуқуқий низолардан ажралиб туради;

4) шикоят предметида доир белги – одатда шикоят предмети маъмурий органнинг индивидуал қарори ёки мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати бўлади (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, маъмурий шартномалар ҳам предмет бўлиши мумкин);

5) низони кўриб чиқиш тартибига доир белги – низонинг юқоридаги белгилари уни алоҳида процессуал тартибда ҳал қилишни тақозо этади. Шу сабабли, кўп давлатларда қарорнинг қонунийлигини исботлаш маъмурий органга юклатилган, тарафлар тенг бўлмаганлиги учун тадбиркорларга қўшимча ҳуқуқий кафолатлар ва процессда суднинг фаол иштироки белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида маъмурий низо, хусусан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид маъмурий низо тушунчаларига аниқ таъриф берилмаган. Лекин, соҳага оид қонунчиликнинг мазмунини ва ундаги айрим тушунчаларни таҳлил қилиш асосида муайян фикрларни илгари суриш мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (кейинги ўринларда – МСИЮтК деб юритилади) 6-моддасига кўра, маъмурий иш – ишда иштирок этувчи шахслар ва маъмурий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари томонидан судга тақдим этилган ёхуд суд томонидан талаб қилиб олинган ҳужжатлар, шунингдек қоғозда расмийлаштирилган суд ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар асосида шакллантирилади.

Мазкур қоида маъмурий ишнинг шаклий (техник) тушунчасига тааллуқли бўлиб, кўпгина ҳуқуқшунос олимлар, хусусан И.М.Дивин томонидан ҳам маъмурий иш

маъмурий низонинг ҳужжатда ифодаланган ва расмийлаштирилган шакли эканлиги ҳақида асосли фикрлар билдирилган [8].

Қонунчиликдаги маъмурий иш мазмунига оид қуйидаги нормаларнинг таҳлили эса унинг мазмуний тушунчасини шакллантириш, яъни маъмурий низога таъриф бериш имконини яратади.

МСИЮТК 2-моддасида маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маъмурий суд ишларини юритишнинг вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Шунингдек, мазкур кодекснинг 4-5-моддаларида ҳар қандай манфаатдор шахс ҳуқуқларини ёхуд қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун маъмурий судга (судга) мурожаат қилишга ҳақли эканлиги ва бундай ишлар маъмурий ишлар бўлиши кўрсатилган.

Умуман, мазкур кодекс фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ишларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этишда маъмурий суд ишларини юритиш тартибига нисбатан татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунидаги кўпгина нормаларнинг мазмуни ҳам маъмурий низо тушунчасини шакллантиришга хизмат қилади.

Хусусан, унинг 1-2-моддаларига кўра, қонуннинг асосий вазифаларидан бири – маъмурий органлар билан муносабатларда жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқларини таъминлашдан иборат бўлиб, маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига нисбатан татбиқ этилади.

Бу ўриндаги, маъмурий-ҳуқуқий фаолият айрим жисмоний ва юридик шахсларга ёки муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳига таъсир кўрсатувчи бошқарув фаолияти бўлиб, лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш, давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомиллари каби вертикал муносабатларда юзага келади.

Мазкур қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, маъмурий органлар деганда маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар тушунилади.

Манфаатдор шахс эса қабул қилинаётган маъмурий ҳужжат ёки маъмурий ҳаракат қаратилган шахс ҳамда ҳуқуқлари маъмурий ҳужжатга ёки маъмурий ҳаракатга дахлдор бўлган шахс ҳисобланади.

Қонунда маъмурий ҳужжатга маъмурий органнинг оммавий ҳуқуқий муносабатларни юзага келтириш, ўзгартириш ва тугатишга қаратилган ҳамда айрим жисмоний ёки юридик шахслар учун ёхуд хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳи учун ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи таъсир чораси, деб таъриф берилган.

Шунингдек, маъмурий ҳаракатлар – маъмурий органнинг жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида амалга оширилган, маъмурий ёки процессуал ҳужжат бўлмаган, юридик аҳамиятга эга ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)дан иборат.

Шу ўринда, тадқиқот предметида боғлиқлик нуқтаи назаридан, тадбиркорлик субъекти тушунчасига ҳам тўхталиб ўтиш керак. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-4-моддаларига кўра, таваккалчилик ва мулкый жавобгарлик остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятини қонунчиликка мувофиқ амалга оширадиган, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган юридик ва жисмоний шахслар тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади. Ушбу қонун улар ўз фаолиятини яқка тартибдаги тадбиркор, оилавий тадбиркорлик, оддий ширкат,

деҳқон хўжалиги, юридик шахс каби шаклларда амалга оширишини назарда тутди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларини ўрганиш ва қонунчиликни таҳлил қилиш натижалари бўйича тадқиқот предметида оид маъмурий низонинг илмий тушунчаси шакллантирилди.

Унга кўра, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид маъмурий низо деганда ўзаро тенг бўлмаган иштирокчилар, яъни тадбиркорлар ва маъмурий органлар ўртасида ушбу идораларнинг қарори (мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати) ва ўз ҳокимият ваколатларини бошқача шаклда амалга ошириши оқибатида юзага келадиган, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳамда алоҳида процессуал тартибда кўриб чиқиладиган низо тушунилади.

Бунда, ўзаро тенг бўлмаган тарафлар ўртасидаги низонинг “хусусий шахс ва давлат ҳокимияти ўртасидаги муносабатнинг кесишмаси”дан келиб чиққанлиги – маъмурий низонинг асосий мазмунини белгилаб беради.

Маъмурий низо тушунчаси бўйича юқорида келтирилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан қатор таклифлар ишлаб чиқилди.

Биринчидан, маъмурий низо тушунчасига юқорида берилган таърифдан келиб чиқиб, амалдаги Иқтисодий процессуал кодекснинг 25-моддасида кўрсатилган иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ва яқка тадбиркорлар ўртасидаги **маъмурий муносабатлардан келиб чиқадиган барча низолар аслида иқтисодий судлар эмас, балки маъмурий судлар томонидан ҳал қилиниши зарур.**

Умуман, давлат органи ўз ҳокимият ваколатини амалга ошириши оқибатида тадбиркор билан келиб чиққан барча низолар маъмурий юстиция предмети бўлганлиги сабабли, ҳозирда **иқтисодий судларда кўрилаётган низоларнинг бошқа турларини ҳам инвентаризация қилиш** лозим.

Чунки, моддий ҳуқуқ жиҳатидан ўзаро тенг бўлган субъектлар ўртасидаги ишларни кўрадиган фуқаролик ва иқтисодий судлардан фарқ қилган ҳолда, **маъмурий судлар айнан ўзаро тенг бўлмаган субъектлар иштирокидаги низоларни кўриб чиқиш учун махсус ташкил этилган.**

Маъмурий юстиция институтининг асосий мақсади ҳам айнан шу каби низоларни ҳал қилишдан иборат.

Иккинчидан, ҳозирги кунда тадбиркорларнинг иқтисодий ва маъмурий судлар ўртасидаги оворагарчилигини бартараф этиш учун тадбиркорнинг шикоятини билан бирга, ушбу талабга сабабий боғланишда бўлган **зарарни ундириш талабини ҳам маъмурий судда кўриш зарур.**

Бу ўриндаги энг асосий аргумент шундаки, маъмурий низога боғлиқ бўлган зарарни ундириш талабининг ҳам айнан бир иш доирасида маъмурий судда кўрилиши – бу дастлабки маъмурий низонинг (мисол учун, қарорни ноқонуний деб топиш ҳақидаги ишнинг) мантиқий жиҳатдан давом этишидир.

Маъмурий судда бошланган низонинг зарар ундиришга оид қолган қисмини иқтисодий судда кўриб чиқилиши нафақат тадбиркорни овора қилиш, айтилиши вақтда маъмурий юстиция институтини тўлиқ жорий этмаслик ҳисобланади. Чунки, бу ўринда зарар ундирилмагунга қадар, давлат органи ва тадбиркор ўртасидаги вертикал характердаги низо яқунланмасдан туради.

Зарарни қоплаш ҳақидаги низолар маъмурий судда кўриб чиқилиши Қозоғистон Маъмурий процедура-процессуал кодекси 160-моддаси, Озарбайжон Маъмурий-процессуал кодекси 34-моддаси [9] ва Литва “Маъмурий ишлар бўйича иш юритув тўғрисида”ги Қонуни 17-моддасида [10] ҳам мавжуд.

Умуман, бу каби номувофиқликларни тизимли бартараф этиш учун маъмурий суд тегишли қарорнинг ноқонунийлиги ёки ҳақиқий эмаслигини эътироф этиш билан чекланиб қолмасдан, **низодан келиб чиқадиган зарар ва бошқа ҳуқуқий оқибатларга оид масалаларни ҳам ҳал қилиши зарур.**

Шундан келиб чиқиб, МСИЮТК 26-моддасига ўзгартиш киритиб, **ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар маъмурий судда кўрилишини белгилаш** лозим.

Ушбу нуқтаи назарга асосланган ҳолда, тадқиқот предметида бевосита кирмаса ҳам таъкидлаш зарурки, баъзилари маъмурий судга, бошқалари фуқаролик судига тааллуқли **бир нечта талаб бирлаштирилган ҳолларда ҳам, барча талаблар маъмурий судда кўрилиши** керак.

Учинчидан, МСИЮТКга **маъмурий даъво институтини** киритиб, хусусий шахс (жумладан тадбиркор) ва маъмурий орган ўртасидаги муносабатларнинг характеридан келиб чиққан ҳолда, **баҳслашиш, мажбурият юклаш, тан олиш, қайта тиклаш ҳақидаги талабларнинг мазмунини очиб бериш** зарур.

Ушбу институтнинг аҳамияти шундаки, даъво турига қараб, маъмурий низо турлари фарқ қилади ва шунга мос равишда хусусий шахснинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш усули танлаб олинади. Мисол учун, баҳслашиш даъвоси бўйича маъмурий органнинг қарори бекор қилинса, мажбурият юклаш даъвоси юзасидан маъмурий орган томонидан хусусий шахс фойдасига қарор қабул қилинади ёки муайян бошқа ҳаракат амалга оширилади (ҳаракатни содир этмаслик мажбурияти юкланади).

Ёки, тан олиш даъвосини кўриш натижасига кўра, маъмурий қарор ҳақиқий эмас деб топилса, қайта тиклаш даъвоси натижасига кўра, етказилган зарар қоплаб берилади ва бошқа ҳуқуқий оқибатлар ҳал қилинади.

Шунингдек, даъво турларининг мазмуни тўлиқ очиб берилгандан кейин, амалиётдаги кўплаб хатоликларга, жумладан маъмурий судлар ваколатига тааллуқли ишларни иқтисодий судлар ва фуқаролик судлари томонидан кўриш ҳолатларига барҳам берилади.

Умуман, МСИЮТКда даъво турлари асосида маъмурий ишларнинг мазмунини кенгроқ ёритиб бериш, бир томондан, суд ва бошқа маъмурий органлар томонидан қонунларни тўғри қўллашга хизмат қилса, иккинчи томондан, тадбиркорларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. Лупарев Е.Б. Административно-правовые споры: Дис. ... д-ра юрид. наук. Воронеж, 2003. С. 43-44.
2. Кипер Н.Г. Административно-правовой спор (теоретические проблемы) // Юридический мир. 2017. № 12.
3. Чекалина О.В. Административно-юрисдикционный процесс: Автореф. дис. ... канд. юрид. Наук. М., 2003. С. 14.
22. Указ Президента Республики Узбекистан от 14.06.2005 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы правовой защиты субъектов предпринимательства» № УП-3619 // <https://lex.uz/docs/613374>

23. Соловьев И.Н. «Государственные финансы. Уголовно-правовая защита». Учебное пособие. 2015 г. Стр. 233

24. Информационный бюллетень ЕАГ. // № 4. – сентябрь 2010. – С. 1. [Электронный источник]. URL: <https://eurasiangroup.org/files/uploads/files/Bulletens/ru/4bulletinsep2010rus.pdf>

25. Закон Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности» № ЗРУ-344 от 25.12.2012 года ст. 14 // Национальная база данных законодательства, 01.12.2020 г., № 03/20/651/1577.

26. Закон Республики Узбекистан «Об утверждении Таможенного кодекса Республики Узбекистан» № ЗРУ-400 от 20 января 2016 года

27. Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан» № ЗРУ-405 от 25.04.2016 г.

28. Закон Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел» № ЗРУ-407 от 16.09.2016 года;

29. Закон Республики Узбекистан «О Службе государственной безопасности Республики Узбекистан» № ЗРУ-471 от 5.04.2018 года

30. Закон Республики Узбекистан № ЗРУ-154 «О противодействии торговле людьми» от 17 апреля 2008 года;

31. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-2752 «О мерах по реализации положений Закона Республики Узбекистан «О противодействии коррупции» от 2 февраля 2017 года

32. Указ Президента Республики Узбекистан от 23.05.2018 года «О мерах по коренному повышению эффективности использования бюджетных средств и совершенствованию механизмов борьбы с экономическими преступлениями» №УП-5446

33. Постановление Президента Республики Узбекистан от 20.09.2018 года №ПП-3947 «Об образовании Межведомственной комиссии по противодействию легализации доходов, полученных от преступной деятельности, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения»

34. How Impending Virtual Asset Regulations Impact Banks—Even Those That Don't Think They Do Crypto. [Электронный источник]. URL: <https://ciphertrace.com/how-impending-virtual-asset-regulations-impact-banks-even-those-that-dont-think-they-do-crypto/>

35. Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан» № ЗРУ-640 от 5 октября 2020 года // Национальная база данных законодательства, 05.10.2020 г., № 03/20/640/1348

36. Официальный сюжет телеканала «Узбекистан 24» // <https://www.youtube.com/watch?v=HFn-O5ufk1o>;

37. Сообщение издания «Новости Сырдарьи» со ссылкой на пресс-службу областного таможенного управления // <http://sxabar.uz/e7gz>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

УТЕМУРАТОВА Сапаргул Шамшетовна

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети “Жинойй-ҳуқуқий ва фуқоролик-ҳуқуқий фанлар кафедраси” доценти, юридик фанлар номзоди
E-mail: u.s.sh@77mail.ru

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРДА (ЖК 193-196 МОДДАЛАР) ЖИНОИЙ ОҚИБАТ ТУРЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): УТЕМУРАТОВА С.Ш. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятларда (ЖК 193-196 моддалар) жиноий оқибат турлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2022) Б. 63-68.

 4 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-4-8>

АННОТАЦИЯ

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар (Ўзбекистан Республикаси Жиноят кодекси 193-196 моддалари) моддий таркибли жиноятлар ҳисобланганлиги учун жиноий оқибатнинг келиб чиқиши жиноят таркиби учун зарурий белги ҳисобланади. Мазкур мақолада Жиноят кодекси 193-196 моддалари объектив томони зарурий белгиси – жиноий оқибат турлари - экологияга таъсир қиладиган даражада атроф-муҳитнинг ўзгариб кетиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, инсон ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар тушунчалари таҳлил қилинади ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятларда сабабий боғланишини исботланиш масалари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Экология, жиноий оқибат, ҳайвонлар ва паррандаларнинг қирилиши, атроф-муҳит ўзгариши, оммавий касалланиш, инсон ўлими, жиноий жавобгарлик.

УТЕМУРАТОВА Сапаргул Шамшетовна

Доцент кафедраси “Уголовно-правовых и гражданско-правовых дисциплин”
Каракалпакского государственного университета имени Бердаха
E-mail: u.s.sh@77mail.ru

ВИДЫ ОБЩЕСТВЕННО ОПАСНЫХ ПОСЛЕДСТВИЙ ПРЕСТУПЛЕНИЙ В СФЕРЕ ОХРАНЫ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ (СТАТЬИ 193-196 УК РУз)

АННОТАЦИЯ

Преступления в сфере охраны окружающей среды (статьи 193-196 Уголовного кодекса Республики Узбекистан) по своей конструкции являются материальным составом, то есть объективная сторона этих преступлений предусматривает не

только совершение общественно опасного деяния, но и с обязательным условием наступления указанных в законе общественно-опасных последствий. В данной статье рассматриваются вопросы общественно опасных последствий преступлений в сфере охраны окружающей среды, изменения в окружающей природной среде, отрицательно влияющие на ее состояние, массовое заболевание людей, гибель животных, птиц или рыб, а также и иные тяжкие последствия.

Ключевые слова: Экология, общественно опасные последствия, уничтожение животных и птиц, изменение окружающей среды, массовое заражение, смерть человека, уголовная ответственность.

UTEMURATOVA Sapargul

Associate Professor of the Karakalpak State University

E-mail: u.s.sh@77mail.ru

TYPES OF SOCIALLY DANGEROUS CONSEQUENCES OF CRIMES IN THE SPHERE OF ENVIRONMENTAL PROTECTION (ARTICLES 193-196 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan)

ANNOTATION

Since crimes in the field of environmental protection (Articles 193-196 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan) are material crimes, the origin of the criminal consequence is a necessary sign of the crime. This article analyzes the concepts of the necessary aspect of the objective aspect of Articles 193-196 of the Criminal Code - types of criminal consequences - environmental change to the extent that it affects the environment, extinction of animals, poultry or fish, mass illness, death or other serious consequences and the issues of proving a causal link in crimes in the field of environmental protection are discussed.

Keywords: Ecology, criminal consequences, extinction of animals and poultries, environmental change, mass disease, human death, criminal liability.

Илмий-техник тараққиёт инсониятга илгари умуман дуч келмаган бир қатор янги, жуда мураккаб муаммоларни тақдим етди. Улар орасида инсон ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатлар алоҳида ўрин тутди. XX асрга келиб бутун дунёда инсон таъсири остида глобал экологик муаммолар - озон қатламининг емирилиши, иқлим ўзгариши, ерларнинг чўлланиши ва деградацияси сингари кўплаб тиклаб бўлмас табиатда ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Иқтисодиётларининг ресурсларни кўп ҳажмда истеъмол қилиш ва хом ашёга йўналтирилганлиги, самарасиз бошқарув тизими ва табиатдан жадал фойдаланиш Марказий Осиё мамлакатлари ҳудудида бир қанча умумий экологик муаммолар шаклланишига сабаб бўлди.

Оролбўйидаги вазият Марказий Осиё минтақасининг энг кескин экологик муаммоларидан бири ҳисобланади.

Айни вақтда Ўзбекистонда мавсумий қурғоқчилик кучайиши тенденцияси кузатилмоқда. Бу эса Орол денгизининг қуриш жараёни минтақадаги иқлим шароитига салбий таъсир кўрсатаётганидан далолат беради. Орол фалокати ёз фаслида қурғоқчилик ва жазирама иссиқни кучайтириб ҳамда совуқ ва қаҳратон қиш фаслини узайтириб, иқлимнинг континенталлигини чуқурлаштирди [1].

Табиатта руй бераётган ушбу ўзгаришлар тўғридан-тўғри инсонларнинг яшаш шароитининг ёмонлашишига ва натижада аҳолининг жисмоний соғлигининг бузилишига олиб келади.

Бундай вазиятда экологик жиноятларга жиноий-ҳуқуқий баҳо бериш, уларнинг жиноий-ҳуқуқий оқибатлари тушунчасини аниқлаш, таснифлаш, тегишли жиноят-ҳуқуқий нормаларни қўллаш амалиёти ва уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш зарурати долзарб ҳисобланади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятларда (ЖК 193-196 м.) ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг содир этилиши қуйидаги оқибатларни келтириб чиқаргандагина жиноий жавобгарлик белгиланиши мумкин: а) экологияга таъсир қиладиган даражада атроф-муҳитнинг ўзгариб кетиши (ЖК 193-м.); б) ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши (ЖК 194, 195, 196-м.); в) одамларнинг оммавий равишда касалланиши (ЖК 193, 196-м.); г) инсон ўлими (193, 194-м., 195-м. 2-қ, 196-м. 2-қ.); д) ёки бошқа оғир оқибатлар (ЖК 193, 194, 195, 196-м.).

а) Экологияга салбий таъсир қиладиган даражада атроф-муҳитнинг ўзгариб кетиши деганда, шуни ҳисобга олиш лозимки, назаримизда, қонун чиқарувчи атроф-муҳит деганда, ер, сув ва атмосфера ҳавосини назарда тутати. Чунки улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. В.Н.Вернадский таъкидлаганидек, «...бу учлик биргаликда биосферанинг асоси - ернинг кўриниши ҳисобланади» [2, Б.376]. Уларнинг хоҳлаган биридаги ўзгариш иккинчисида акс этади ва бутун тизимга таъсир қилади.

Экологияга салбий таъсир деганда, назаримизда, табиатдаги ҳамма тирик жонзотларга (ўсимликлар, балиқлар, паррандалар, инсон), жумладан, табиат объектларининг бир-бирига келтирган ўзаро салбий таъсирини тушуниш лозим.

Табиат объектларининг аслий таркибида ўзгаришлар юз берганда салбий оқибатлар келиб чиқади. Ҳар бир табиат объекти таркиби бўйича фарқланади. Масалан, тупроқ ҳар хил қаттиқ, суюқ, газсимон ва тирик жисмлардан иборат бўлса, атмосфера ҳар хил газларнинг аралашмасидан иборат: азот (178,08%), кислород (20,94%), аргон (0,97%), углекислий газ (0,03%), водород ва гелий (0,0005%) [3, Б.9-10].

Бугунги кунда жаҳон олимларини ташвишга солаётган нарса антропоген таъсир натижасида атмосферадаги углекислий газ миқдорининг ўсиб боришидир. Углекислий газ миқдорининг ўсиши «парник эффектнинг» кучайишини келтириб чиқаради. Атмосферадаги иссиқликнинг келиши, кетиши ва намлик алмашиш мувозанатининг бузилиши ҳавонинг глобал қизиқ кетиши хавфини келтириб чиқармоқда, ҳар йили атмосферага ҳар хил манбалардан 10 млрддан 15 млрд тоннагача углекислий газ чиқарилади [4, Б.325].

Ўзбекистонда парник эффектини берувчи газлар (углерод қўш оксиди, метан ва азот оксиди) асосан ёнилғи-энергетика мажмуаси корхоналаридан, металлургия ва кимё соҳаларидаги чиқиндиларни сақлаш, қайта ишлаш ва бошқа манбалардан чиқарилади.

Атмосфера ҳавосида турли хил ифлослантирувчи манбаларнинг кўпайиши ва нафас олиш органлари орқали ўтиши организмни зарарлантиради. Энергетика ускуналарида фойдаланадиган ва металлургия корхоналаридан чиқадиган гугурт диоксидининг атмосферага тушиши кислота ёмғирини келтириб чиқарувчи асосий манба ҳисобланади. Кислота ёмғирларининг сувга тушишидан балиқларнинг тирикчилиги қийинлашади, улар кўпаймасдан нобуд бўлади. Ер устида тирикчилик қилувчи ўсимликлар, ҳашоротлар нобуд бўлади [5, Б.27-29.].

Албатта заҳарли моддалар билан зарарланиш ишлаб чиқариш корхоналарининг зич жойлашган жойларида юз беради. Шундай туманларда юрак касалликлари, нотипик кўринишдаги ўпка касалликларининг кўпайиши, болаларнинг бўйига ўсиши, кўкрак қафаси, тана вазни каби инсондаги мутаносибликларда жиддий ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Заҳарли газларнинг ўсимликларга таъсири натижасида уларнинг барглари куйиши, чанг, қурим ва бошқа чиқиндилар дарахт баргларига чўкиб, нафас олиш

тешикларини тўлдириб қўяди. Нафас олиш органи ёпилган ўсимлик нобуд бўлади.

Тупроқнинг табиий таркибида пайдо бўлган ўзгариш сувда, ҳавода, ўсимлик ёки хоҳлаган тирик жонзотларда қайталаниши мумкин. Масалан, тупроқ таркибида микроэлементларнинг (фтор, иод, марганец, темир ва ҳ.к.) кўпайиб ёки камайиб кетиши одамларда бўқоқ, кариес, флюроз ва б. касалликларни келтириб чиқаради.

Одатда сувда там, ҳид бўлмайди. Буларнинг биттаси ўзгарган пайтда сувда зарарли бир ўзгариш бор деган шубҳа пайдо бўлади. Табиий сув манбаларида тирик жонзотлар учун зарур биологик микроэлементлар мавжуд. Улар тирик организмлар фаолиятида фаол иштирок этиш билан бирга, организмдаги муҳим биокимёвий жараёнларда қатнашади.

Оқава сувларнинг зарарсиз ҳолатга келтирмасдан чиқарилиши натижасида сувнинг таркибида ўзгариш пайдо бўлади. Бундай ҳолатларда сувда тирикчилик қилувчилар ҳаётига хавф туғилиши, сув орқали ҳар хил юқумли касалликлар (гепатит, қорин тифи, паратиф, диарея) тарқалиши мумкин. Таркибида зарарли моддалар мавжуд сувлар билан қишлоқ хўжалик экинлари суғорилса, уларга зарар келиши ёки нобуд бўлиши мумкин.

Демакки, атроф-муҳитнинг экологияга салбий таъсир қиладиган даражада ўзгариши экологик хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган объектларнинг фаолияти натижасида юз беради.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналардан, айниқса, улар экологик хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган бўлса, чиқиндиларнинг атроф-муҳит учун хавфи катта. Бундай чиқиндилар таъсирида атроф-муҳит объектларининг табиий таркибида ўзгаришлар пайдо бўлиб, ер, сув, атмосфера ҳавоси зарарланади. Улардан фойдаланиш тирик жонзотлар учун хавфли ҳисобланади. Ўсимликлар, ҳайвонотлар зарарланади, нобуд бўлади, инсонларнинг саломатлигида турли ўзгаришлар юз бериб, уларнинг ўлимига олиб келиши мумкин. Демак, табиат объектлари таркибининг ўзгариши ҳар хил салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

б) Ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг оммавий қирилиб кетиши деганда, бир вақтнинг ўзида бир турдаги ёки бир неча турдаги ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг кўп сонининг муайян ҳудудда бир ёки бир неча объектда нобуд бўлиши тушунилади.

Ҳайвонлар, паррандалар, балиқларнинг қирилиши кўпинча атроф табиий муҳит ифлосланган ҳудудда, ишлаб чиқариш ва бошқа корхоналар жойлашган жойларда, уларнинг чиқиндиларни ташлайдиган ҳудудларида юз беради. Айрим пайтларда, масалан, «кислота ёмғирлари» натижасида заҳарли моддалар чиқаётган манбадан узоқ ҳудудларда ҳайвонлар, паррандалар, балиқлар қирилиши мумкин. Бунда муҳими жинойи оқибатнинг аниқ бир ҳудудда бир вақтнинг ўзида юз беришидир.

Нобуд бўладиган ҳайвонлар, паррандалар, балиқлар сонини дарҳол аниқ кўрсатиш қийин. Чунки айрим ҳудудда яшаб турган ҳайвонлар, паррандалар, балиқларнинг сонининг ўзи аниқ бир миқдордан оз бўлиши мумкин.

Оммавий - кўпчилик, бир нарсанинг кўп сони тушунчасининг маъносини беради. Шунинг учун оммавий қирилиб кетиш, шу жойдаги ҳайвонларнинг, паррандаларнинг, балиқларнинг умумий сонидан келиб чиқиб аниқланса тўғри бўлади. Агар ҳайвонлар сони кам бўлса, бир неча ўн ҳайвоннинг, агар ҳайвоннинг сони кўп бўлса, бир неча юз ва ундан ортиқ ҳайвоннинг нобуд бўлишини оммавий қирғин деб ҳисоблаш мумкин [6, Б.14]. Шунинг учун қирилиб кетадиган ҳайвон, парранда, балиқлар миқдорини «кўпчилик сони» деб олингани тўғри бўлади.

Айрим пайтларда бир турдаги зарарлантирувчи манбадан ҳайвонлар, паррандалар, балиқларнинг бир неча тури қирилиши мумкин. Масалан, балиқлар, сувга яқин яшайдиган ҳар турли қушлар ёки қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг айрим турлари ва ҳ.к. Шунинг учун нобуд бўладиган ҳайвонлар, паррандалар, балиқлар турини «бир ва бир неча турдаги» деб белгилаш зарур.

Худди шундай фикрни «инсонларнинг оммавий равишда касалланиши» тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Одатда, ишлаб чиқариш корхоналари зич жойлашган ҳудудларда яшовчи фуқаролар кўпчилигининг саломатлигида бир хил ташхисдаги касаллик учрайди. Асосан, уларда нафас олиш органлари орқали ўтиб пайдо бўладиган касалликлар ёки сув орқали пайдо бўладиган юқумли касалликлар, зарарли тупроқдан ўсиб чиққан ўсимликларни истеъмол қилишдан организмдаб қандайдир микроэлементларнинг етишмаслиги ёки ортиб кетиши каби ҳар хил касалликлар пайдо бўлади. Бу жойда муҳими, бир турдаги касаллик аломатларининг кўп сонли шахсларда учраши ва бу касалликнинг муайян ҳудудда, бир вақтнинг ўзида юз беришидир.

г) Инсон ўлими жиноий оқибат сифатида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятларнинг ҳаммасида кўрсатилган.

Инсон ўлими деганда, организмнинг тирикчилик фаолиятининг тўхташи тушунилади. Жиноят ҳуқуқиназариясида, шунингдек, тиббиётда ҳам миянинг тузалмас ҳалокати, яъни жисмоний ўлимнинг юзага келиши билан ифодаланувчи биологик ўлим тан олинади. Бу борада профессор М.Х.Рустамбоев “одам ўлими миянинг тузалмас ҳалокати, яъний жисмоний ўлимнинг юзага келиши билан ифодаланувчи биологик ўлим бошланган пайтдан эътиборан тугаланган ҳисобланади” - деб ёзади [7, Б.14.].

Ҳар бир жиноятнинг содир этилиш хусусиятидан келиб чиқиб инсон ўлими ҳар турли шароитларда юз бериши мумкин. Масалан, экологик талабларга жавоб бермайдиган объектнинг давлат комиссияси аъзолари томонидан қабул қилиниши ва шу объектда авария юз бериши натижасида атроф-муҳитда ҳар хил салбий ўзгаришлар билан бирга инсон ўлими ҳам юз бериши мумкин (ЖК 193-м.) ва ҳ.к.

д) Бошқа да оғир оқибатлар. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар содир этилганда қонунда кўрсатилгандан бошқа (биз юқорида таҳлил қилган жиноий оқибатлардан бошқа)да оғир оқибатлар келиб чиқиши мумкин («Оғир» сўзи — кўп салмоққа эга, оғирлаштирувчи, қийин, катта меҳнат талаб қиладиган, сермашаққат, енгилликдан айрилган ва ҳ. маъноларни англатади [8, Б.817.]).

Бундай оқибатлар: атроф-муҳитга келтирилган зарар натижасида тикланмайдиган ёки унинг тикланиши кўп меҳнатни ва узоқ вақт ўтишини талаб қилса (ўрмонларнинг қуриб кетиши, ноёб ўсимлик ёки ҳайвонларнинг нобуд бўлиши); хонаки ва ёввойи ҳайвонлар орасида бир вақтнинг ўзида бир минтақада юқумли касалликнинг тарқалиши-эпизоотия, ўсимликлар орасида юқумли касаллик тарқалиши эпифитототии, бу жиноий оқибатлар атроф-муҳит радиациявий, кимёвий, бактериявий ифлосланганда келиб чиқиши мумкин; келтирилган зарарларни қоплаш учун кўп миқдорда моддий ҳаражат талаб қилиниши зарар миқдори такса ва нормативларда жиноий оқибатни қоплашга кетган зарар миқдорини ҳисобга олган ҳолда аниқланади; объектни лойиҳалаш, жойлаштириш, қуришда йўл қўйилган хатоликларни бартараф қилиш зарур бўлса ёки шу объектда авария юз берса, радиациявий, кимёвий, бактериявий ифлосланишининг катта ҳудудга тарқалиб кетиши ва ҳ.к.

Шу ерда таъкидлаб ўтиш зарурки, инсон ўлимига олиб келиш ҳолати Жиноят кодексининг 193-м. 1-қ., ўзида, бошқа жиноятларда эса 2-қисмларида берилган. Инсон ўлимига олиб келадиган даражада атроф-муҳитга зарар келтириш ушбу жиноят натижасида келтириладиган бошқа оқибатларга қараганда, албатта, оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Шунинг учун, назаримизда, ЖКнинг 193-моддасидаги инсон ўлимига олиб келувчи ҳолат оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ушбу модданинг 2-қисмида тушунтирилса тўғри бўлади.

Умуман олганда, жиноятнинг оқибати - бу икки томонлама хусусиятга эга бўлган жиноий-ҳуқуқий категория ҳисобланади. Бир томондан, у жиноятнинг объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланса, бошқа томондан, у қонун билан муҳофаза қилинадиган объектда салбий ўзгариш шаклида акс этади. Экология соҳасидаги

жиноятларда ижтимоий ҳавфли оқибат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича ижтимоий муносабатларидаги салбий ўзгаришлар билан тавсифланади.

Шундай қилиб, юқорида таҳлил қилинган зарарли оқибатларнинг келиб чиқиши жиноятнинг тамомланганлигини билдиради. Жиноятлар (ЖК 193-196-м.) моддий таркибли бўлганлиги туфайли оқибатнинг келиб чиқиши ва улар орасидаги сабабий боғланишининг исботланиши жиноят таркиби учун зарурий белги ҳисобланади. Демак, содир этилган ҳаракат (ҳаракатсизлик) ва ижтимоий хавфли оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш исботланиши лозим. Назаримизда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги биз тадқиқ қилаётган жиноятларни формал таркиб деб шакллантириш тўғри бўлар эди. Бундай ҳолатда жиноий жавобгарлик содир этилган факт учун белгиланса (инсон соғлигига зарар келиши, ҳайвонлар, қушлар, балиқларнинг қирилиб кетиши ва бошқа оқибатларнинг келиб чиқиш хавфи бўлса) нормаларнинг амалиётда қўлланилиши ҳаракатга келган бўлар эди.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 30, 2019 No PD-5863 “On approval of the Concept of environmental protection of the Republic of Uzbekistan for the period up to 2030.”)

2. Вернадский В.Н. Биосфера. -М.: 1967., - С.376. (Vernadsky V.N. Biosphere. -M.: 1967. -P.376.)

3. Игнатъева Л.П., Чирцова М.В., Потапова М.О. Гигиена атмосферного воздуха. Иркутск, 2015. С.9-10. (Ignatieva L.P., Chirtsova M.V., Potapova M.O. Hygiene of atmospheric air. Irkutsk, 2015. pp.9-10.)

4. Барабанова О.А., Безкоровайная И.Н., Бухарова Е.Б. Глобальные проблемы биосферы. Красноярск, 2010. -С.325. (Barabanova O.A., Bezkorovaynaya I.N., Bukharova E.B. Global problems of the biosphere. Krasnoyarsk, 2010. -p.325)

5. Чомаева М.Н. Проблемы воздействия кислотных осадков на окружающую среду и человека//Международный журнал гуманитарных и естественных наук -2020 №5-3 (44). -С.27-29. (Chomaeva M.N. Problems of the impact of acid precipitation on the environment and humans//International Journal of Humanistic and Natural Sciences -2020 №5-3 (44). -pp.27-29.)

6. Мирзаев Т. Экологияга доир жиноятларни тергов қилиш. -Т.: Янги аср авлоди. 2001. –Б. 14. (Mirzaev T. Investigation of crimes related to ecology. - T.: New century generation. 2001. – p. 14.)

7. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм/ М.Рустамбоев. –Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish 2021. 146. (Rustambaev M.X. Comments to the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. Special part/ M.Rustamboev. - Tashkent: publish legal literature 2021. p.14.)

8. Ожегов С.И. Словарь русского языка. Под ред. Н.Ю. Шведовой. -М.: Рус.яз. 1990, -С.343. (Ozhegov S.I. Dictionary of the Russian language. Edited by N.Y. Shvedova. -M.: Rus.yaz. 1990, -p.343.)

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

МАХМУДОВ Суннатжон Азим ўғли
Тошкент давлат юридик университети
Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси
E-mail: s.maxmudov@tsul.uz

ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШДА ИСБОТ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): МАХМУДОВ С.А. Жиноят ишини тугатишда исбот қилишнинг ўзига хос жиҳатлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2022) Б. 69-77.

 4 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-4-9>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш босқичида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик нормалари асосида жиноят ишини тугатиш босқичида исбот қилишнинг аҳамияти ва унинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган. Мақолада жиноят ишини тугатишда исбот қилиш бўйича олимлар томонидан илгари сурилган қарашлар орқали ушбу институтнинг қўлланиш доираси ўрганилди. Олимларнинг қарашлари ва илгари сурган ғояларидан келиб чиққан ҳолда, жиноят ишини тугатишда исбот қилиш масаласи илмий, назарий, амалий ва қонунчилик нормалари орқали таҳлил этилди. Мақолада олимларнинг жиноят ишини тугатишда исбот қилиш масаласида берган фикрларини қиёсий таҳлил қилиш орқали жиноят ишини тугатиш асослари таҳлил этилди. Таҳлил натижалари юзасидан, жиноят ишини тугатишда исбот қилишни такомиллаштиришга қаратилган хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: айблилик, жиноят ишини тугатиш, реабилитация, жиноят ишини реабилитация қилинмайдиган асослар бўйича тугатиш, жавобгарликка тортиш муддати, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, жабрланувчининг шикояти.

МАХМУДОВ Суннатжон Азим ўғли
Преподаватель кафедры Уголовно-процессуального
права Ташкентского государственного
юридического университета
E-mail: s.maxmudov@tsul.uz

ОСОБЕННОСТИ ДОКАЗЫВАНИЯ ПРИ ПРЕКРАЩЕНИИ УГОЛОВНОГО ДЕЛА

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется значение доказывания и его особенности на стадии закрытия уголовного дела на основе норм уголовного и уголовно-процессуального законодательства на этапе судебной реформы.

В статье изучена сфера применения данного института через высказанные учеными взгляды на доказывание при прекращении уголовного дела. На основе взглядов и идей, выдвинутых учеными, вопрос доказывания при прекращении уголовного дела проанализирован через научные, теоретические, практические и правовые нормы. В статье рассматривается основание закрытия уголовного дела посредством сравнительного анализа мнений ученых по вопросу о доказывании при закрытии уголовного дела. По результатам анализа разработаны выводы, предложения и рекомендации, направленные на совершенствование доказывания при прекращении уголовного дела.

Ключевые слова: вина, прекращение уголовного дела, реабилитация, прекращение уголовного дела по не реабилитационным основаниям, срок привлечения на ответственность, подозреваемый, обвиняемый, подсудимый, потерпевший, заявление потерпевшего.

MAXMUDOV Sunnatjon

Lecturer of the Department of Criminal Procedural Law,
Tashkent State University of Law

E-mail: s.maxmudov@tsul.uz

PECULIAR FEATURES OF EVIDENCE AT THE TERMINATION OF A CRIMINAL CASE

ANNOTATION

This article analyzes the importance of proof and its features at the stage of termination of a criminal case on the basis of the norms of criminal and criminal procedure legislation at the stage of implementation of judicial reform. The article studies the scope of this institution through the views expressed by scientists on proving when closing a criminal case. Based on the views and ideas put forward by scientists, the issue of proof in the termination of a criminal case is analyzed through scientific, theoretical, practical and legal norms. The article analyzes the grounds for terminating a criminal case through a comparative analysis of the opinions of scientists on the issue of proving when terminating a criminal case. Based on the results of the analysis, conclusions, proposals and recommendations aimed at improving the evidence in the termination of a criminal case have been developed.

Keywords: guilty, termination of a criminal case, rehabilitation, termination of a criminal case on non-rehabilitation grounds, term of bringing to responsibility, suspect, accused, defendant, victim, victim statement.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишда жиноят процессинг барча босқичларида, жумладан жиноят ишини тугатишда шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини такомиллаштириш ва либераллаштириш жиноят-процессуал қонунчиликдаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳатто ушбу масаланинг долзарб эканлиги сабабли, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, давлат дастурларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида [1] жиноят ва жиноят-процессуалдаги айрим институтларни такомиллаштириш вазифаси белгиланган эди.

Шунга асосан, жиноят процессида жиноят ишини тугатиш ҳамда унда исбот қилишни амалга ошириш масаласини тадқиқ этиш ҳамда жиноят ишини тугатиш асосларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мазкур институтни такомиллаштиришнинг методологик асосларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Бизга маълумки, жиноят процессида жиноят ишини тугатиш суриштирув ва дастлабки терговни тамомлашнинг бир шакли ҳисобланади. Бунда, жиноят ишини тугатиш ваколатига эга бўлган органлар ва мансабдор шахслар ишни қайсидир асосга кўра тугатишни исбот қилиш (далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш) орқали амалга оширади.

Бугунги кунда, олимлар жиноят ишини тугатиш ҳамда унда исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар ҳақида турли хил фикрларни илгари суришади.

У.Тухташевнинг назарида қилмишда жиноят-процессуал муносабатлар мавжуд бўлишини инкор қиладиган юридик фактларнинг мавжудлиги жиноят ишини тугатишни тақозо этади [2, Б.181].

В.Радченко бошчилигидаги бир гуруҳ олимларнинг фикрича эса, жиноят ишини тугатиш деганда мазкур иш бўйича келгусида жиноят-процессуал ҳаракатлар олиб борилишини истисно этадиган ҳолатлар аниқланганлиги сабабли, терговни ишни тугатиш йўли билан тамомланиши тушунилади.

Билдирилган фикрларга қисман қўшилиш мумкин. Чунки, айрим ҳолатларда ҳақиқатдан ҳам жиноят-процессуал муносабатлар мавжуд бўлишини инкор қиладиган юридик фактларнинг мавжудлиги жиноят ишини тугатилишига олиб келади.

Шу билан бирга, жиноят-процессуал қонунчиликда қайд этилган айрим асослар, жумладан ярашув, хусусий айблов (жабрланувчининг шикоятига асосан қўзғатиладиган ишлар), шунингдек шахснинг розилиги билан тугатиладиган бошқа ишни тугатиш асосларини қўллашда жиноят-процессуал муносабатлар мавжуд бўлишини инкор қиладиган юридик фактлар мавжуд, дея олмаймиз. Сабаби, мазкур ҳолатда жиноят иши тарафларнинг розилиги билан тугатилиши ҳам, умумий тартибда давом эттирилиши ҳам мумкин.

Шунинг учун ҳам жиноят ишини тугатишда ҳар бир ҳолатга индивидуал ёндашиб, ишнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда исбот қилишни амалга ошириш талаб этилади.

Жиноят ишини тугатиш суриштирув ва дастлабки терговни тамомлашнинг бир тури бўлиб, бу босқичда иш юзасидан тўпланган далиллар ҳар томонлама таҳлил қилинади, текширилади, баҳоланади, шунингдек, жиноят ишини юритиш ваколатига эга мансабдор шахсда ишни тугатиш асослари бор ёки йўқлиги тўғрисида асосланган хулоса чиқариш учун имконият пайдо бўлади [3, Б.78].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, жиноят ишини тугатиш тушунчасини қуйидагича талқин қилиш лозим: “Жиноят ишини тугатиш бу ваколатли мансабдор шахснинг иш бўйича тўпланган далилларни баҳолаш орқали қонунда назарда тутилган муайян асосни қўллаш учун барча ҳолатлар ўз исботини топганига ишонч ҳосил қилиб, жиноят иши юритувини тугатиш хусусида қатъий хулосага келиши ва ишни процессуал қарор ёки ажрим чиқариш орқали тамомлашидир”.

Жиноят ишини тугатиш ва унда исбот қилишни амалга оширишда олимлар уларни бир нечта босқичларга бўладилар. Жумладан, аксарият муаллифлар жиноят ишини тугатишни далилларга баҳо бериш орқали ҳолатга аниқлик киритиш ҳамда ушбу ҳолатни процессуал қарор орқали расмийлаштиришдан иборат деб ҳисобландилар [4, Б.78].

Мазкур муаллифларнинг фикрлари билан тўлиқ келиб бўлмайди. Чунки бу ерда жиноят иши тугатилганидан сўнг ашёвий далиллар масаласи, эҳтиёт чорасини ҳал этиш масалалари очиқ қолган.

Бизнинг фикримизча, жиноят ишини тугатиш суриштирув ва дастлабки терговни тамомлашнинг турларидан бири сифатида қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1) иш бўйича тўпланган далилларни таҳлил қилиш ва баҳолаш орқали қонунда ишни тугатишнинг тегишли асосини аниқлаб, келгусида суриштирув, дастлабки тергов ёки суд босқичини давом эттириш мумкин эмаслиги ёки тугатиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида асосланган ва ишончли хулоса чиқариш;

2) жиноят иши материалларини талаб даражасида ҳужжатлаштириш ва тизимлаштириш (бу одатда далилларни баҳолаш ва қайд этиш билан боғлиқ, чунки бу ҳаракатлар далиллар манбаларини тадқиқ этишда ёрдам беради);

3) жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор (ажрим)ни қабул қилиш;

4) жиноят ишини тугатиш қарори (ажрими) билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этиш, жумладан гумон қилинувчи (айбланувчи, судланувчи)га нисбатан қўлланилган эҳти т чорасини бекор қилиш, улардан олинган мулк ҳамда бошқа буюмларни қайтариб бериш ва бошқалар;

5) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва ишнинг тугатилишидан манфаатдор бўлган барча шахсларга жиноят иши тугатилгани тўғрисидаги хабарни етказиш ва илтимосларига биноан уларни тугатилган иш материаллари билан таништириш.

Шу алоҳида қайд этиш керакки, жиноят-процессуал қонунчиликда жиноят ишини тугатиш асослари ва тартиби назарда тутилган бўлса-да, исбот қилиниши (аниқланиши) лозим бўлган ҳолатлар назарда тутилмаган. Бироқ, жиноят ишини тугатиш асослари ва тартиби назарда тутилган.

Жиноят ишини тугатиш асослари Жиноят-процессуал кодексининг 83 ва 84-моддаларида белгиланган бўлиб, ушбу моддаларда жиноят ишини тугатишнинг **16 та асоси** келтириб ўтилган. Ушбу 16 та асос қайсидир мезонларга кўра муайян таснифларга бўлинади [5, Б.96–102].

Жиноят ишини тугатишнинг айрим асослари бўйича ишни тугатиш тартиби Жиноят-процессуал кодексининг 373 ва 374-моддаларда белгиланган

Аксарият олимлар жиноят ишини тугатиш асосларини реабилитация ва реабилитация қилинмайдиган асосларга кўра таснифлайдилар [6, Б.88-90].

Жиноят иши реабилитация асосларига кўра тугатишда суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан шахснинг жиноят содир этишдан олдинги ҳуқуқлари, ҳалол номи, обрўси суд ёки маъмурий тартибда тикланиши учун зарур чоралар кўрилади, жиноят натижасида унга етказилган зарар тўлиқ қоплаб берилади.

Реабилитация қилинмайдиган (нореабилитация) асослар жиноят ишини тугатишга имкон берадиган юридик фактлар бўлиб, улар шахсни реабилитация қилиш, шахсга етказилган зарарни ундиришни истисно қилади.

Реабилитацияга олиб келмайдиган асосларига кўра жиноят ишини тугатиш жиноятни содир этишда шахснинг айби мавжуд ёки мавжуд эмаслиги масаласига чуқур тўхтанилмасдан, давлат жинойий жавобгарликка тортишга бўлган даъводан воз кечилганлигини англатади [7, Б.492].

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексида жиноят ишини тугатишнинг икки хил тартиби мавжуд. Булар:

биринчиси, реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш (Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси, **3 та асос**);

иккинчиси, айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб (реабилитация қилинмайдиган асослар) жиноят ишини тугатиш (Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси, **13 та асос**).

Дарҳақиқат, жиноят ишини тугатиш масаласи ишни юритаётган ваколатли мансабдор шахс томонидан ишга тааллуқли барча ҳолатлар тўғрисида етарли

далиллар тўплаб, аниқланган фактлар ўз исботини топганидан сўнг ҳал этиладиган масалалар сирасига киради [8, Б.90].

Мазкур фикрлар билан келишган ҳолда шуни айтиш мумкинки, жиноят ишини қўзғатиш уни тугатишдан тубдан фарқ қилади. Яъни ишни қўзғатиш масаласини ҳал қилишда тергов органлари ишнинг ҳолатига ойдинлик киритадиган тўлиқ маълумотларга ҳар доим ҳам эга бўлмайдилар.

Ишни тугатишда эса, аксинча, жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсда мавжуд ҳолатни ёритадиган етарли ва ишончли далиллар тўпланган бўлиши ҳамда уларни текшириши ва баҳо бериши шарт. Бунда, ваколатли мансабдор шахс иш бўйича тўпланган далилларни таҳлил қилиш орқали ушбу асосни қўллаш учун барча ҳолатлар ўз исботини топганига ишонч ҳосил қилиб, жиноят ишини тугатиш тўғрисида хулосага келади.

Жиноят ишини тугатишда жиноят ишини тугатиш қайси асосга кўра амалга оширилган бўлса, мансабдор шахслар шу асос бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлайди. Қуйида мазкур масалаларга батафсил тўхталиб ўтамыз.

Жиноят ишини тугатишнинг бир нечта ўзига хос жиҳатлари мавжуд:

биринчидан, жиноят ишини тугатиш ваколатига эга бўлган органлар ҳамда мансабдор шахслар аниқ белгилаб қўйилган. Бунда, жиноят ишини тугатиш ваколатига суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ваколатли ҳисобланади.

Мисол. А.исмли шахс ҳамда Б.исмли шахс ўртасида келиб чиққан ўзаро жанжал натижасида, А.исмли шахс Б.исмли шахсга тан жароҳати етказган. Ушбу ҳолатда А.исмли шахс Б.исмли шахсга етказилган зарарни қоплаб, шахс билан ярашмоқчилигини маълум қилди. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси ишни ярашувга асосан тугатиб, материалларни ЖПК 329-моддасида назарда тутилган тартибда прокурорга юборди. Прокурор иш билан танишиб чиқиб, ишни тегишлилиги бўйича тергов органларига юборди.

Мазкур мисолни таҳлил этадиган бўлсак, прокурорнинг ҳаракатлари тўғри ҳисобланади. Чунки терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсларида жиноят ишини тугатиш ваколати мавжуд эмас. бу ерда ЖПКнинг 36, 38/-моддалари, 373, 347, 381/11-моддаларига асосан суриштирувчи ёки терговчи тугатиши мумкин эди.

иккинчидан, жиноят ишларини юритишнинг (жиноят процессининг эмас), шу жумладан жиноят иши қўзғатилганидан бошлаб, иш юритишнинг исталган босқичида жиноят ишини тугатиш мумкин. Бунда, жиноят ишини тугатишнинг айрим асослари бўйича жиноят ишини юритишнинг исталган босқичида тугатишга йўл қўйилмайди.

Маълумот учун: «жиноят ишларини юритиш» тушунчаси фақат жиноят иши қўзғатилгандан сўнг юзага келадиган муносабатларга тааллуқли бўлиб, жиноят ишини тугатиш ҳам ушбу босқичда амалга оширилади. Бунда, жиноят ишларини юритиш жиноят иши қўзғатилгунга қадар бўлган босқични, яъни терговга қадар текшириш босқичини қамраб олмайди. Терговга қадар текширув босқичида жиноят иши тугатилмайди, балки жиноят ишини қўзғатиш рад этилади.

Жиноятларга оид ишларни судга қадар ва суд босқичларида юритиш жиноят процесси ҳисобланади. Жиноят процесси ўз ичига терговга қадар текширув босқичини ҳам олади.

Мисол. А.исмли шахс ҳамда Б.исмли шахс ўртасида келиб чиққан ўзаро жанжал натижасида, А.исмли шахс Б.исмли шахсга тан жароҳати етказган. Иш судда кўриб чиқилиб, суд ҳукми билан шахс айбдор деб топилди. Маҳкум апелляция шикоятни бериб, у ўз айбига иқрорлигини, етказилган зарар бартараф этилганлигини ҳамда жабрланувчи билан ярашмоқчи эканлигини маълум қилиб, жиноий жавобгарликдан озод этилишини сўради.

Мазкур мисолни таҳлил этадиган бўлсак, амалдаги қонунчилигимиз бўйича

йарашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкин (Жинойят-процессуал кодексининг 583-моддаси). Демак, юқорида берилган мисол бўйича ярашувга асосан жиноят ишини тугатишга йўл қўйилмайди.

учинчидан, расмий процессуал ҳужжат шаклида расмийлаштирилади. Бунда, суриштирувчи, терговчи ва прокурор жиноят ишини тугатиш ҳақида қарор, суд эса ажрим чиқариш орқали жиноят ишини тугатади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, жиноят ишини тугатишда исбот қилинадиган ҳолатлар бевосита жиноят ишини қайси асосга кўра тугатишга боғлиқ. Бунда, исбот қилиш масаласи тугатиш асосининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқади.

Дастлаб, реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатишда исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатларга тўхталиб ўтамиз.

Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасида реабилитация учун **3 та асос** назарда тутилган бўлиб, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи қуйидаги ҳолларда айбсиз деб топилади ва реабилитация этилади:

1) иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жинойий ҳодиса юз бермаган бўлса;

2) шахснинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;

3) шахснинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса.

Жиноят ишини реабилитация асосларига кўра тугатишда шахснинг жиноят содир этишда айбсиз (жиноятни содир этмаганлиги ёки содир этилган жиноятга алоқаси йўқ эканлигини) эканлигини аниқлаш талаб этилади. Чунки исботлаш масаласи суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг мажбурияти ҳисобланди.

ЖПК 83-моддасининг 1-банди (иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жинойий ҳодиса юз бермаган бўлса) билан жиноят ишини тугатишда қуйидаги масалалар аниқланиши лозим:

1) жиноят ишини қўзғатишга асос бўлган жиноят ҳодисасининг объектив равишда мавжуд эмаслиги, яъни амалда ҳодисанинг умуман содир этилмаганлиги (масалан, жабрланувчининг ўғирланган деб тахмин қилинган буюми унинг уйдан топилади ёки жиноят амалда умуман содир этилмаган бўлиб чиқади ва ҳоказо);

2) ҳодиса содир бўлган, лекин унинг келиб чиқиши шахснинг жинойий хатти-ҳаракати натижасида юз бермаганлиги (масалан, табиий офат туфайли келиб чиққан ёнғин оқибатида ташкилот омборхонаси ёнади ва катта миқдордаги мулкый зарар келиб чиқади. Бу каби ҳолатларни сув тошқини, зилзилалар ва бошқа турдаги табиий офатларда ҳам кўриш мумкин);

3) ҳодиса содир этилган, лекин унинг келиб чиқишига жабрланувчининг ўзи сабабчи бўлганлиги (масалан, ўзини ўзи ўлдириш, жабрланувчининг ўзини эҳтиётсизлиги туфайли ўлимига сабаб бўлган транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш соҳасидаги бахтсиз ҳодисалар ва бошқалар).

ЖПК 83-моддасининг 2-банди (шахснинг қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлмаса) билан жиноят ишини тугатишда содир этилган жинойий қилмишда жиноят таркиби элементларининг (жиноят объекти, жиноятнинг объектив томони, жиноят субъекти, жиноятнинг субъектив томони) бири ёки бир нечтаси мавжуд эмаслигини аниқлаш талаб этилади.

ЖПК 83-моддасининг 3-банди (шахснинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса) билан жиноят ишини тугатишда шахснинг **содир этилган жиноятга алоқаси йўқ эканлигини исботлаш лозим бўлади.**

Жиноятга дахлдорлик деганда жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги, уни содир этилаётганлиги ёки содир этилганлиги, шунингдек, уни содир этган шахслар ҳақида аниқ била туриб ҳокимият органларига хабар бермаслик, олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят изларини ёки уни содир этган шахсларни яшириш, жиноятга қарши кураш ва уни олдини олдини бўйича мажбурият юклатилган шахсларнинг

содир этилаётган жиноятларга тўсқинлик қилмаслиги тушунилиши айтилади [9, Б.448].

Б.Муродов қайд этганидек, ЖПКнинг 83-модданинг 3-банди, яъни унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса асосини қўллаш учун шахснинг содир этилган жиноятга умуман дахли бўлмаслиги шарт. Агар шахс содир этилган жиноятга алоқаси бўлса-ю, лекин унинг қилмишида жиноят таркиби борлигини исботлаш учун етарли далиллар тўпланмаган бўлса, унга нисбатан 83-модданинг 2-банди, яъни – “унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса” асоси билан ишни тугатиш тўғри бўлади [10, В.94].

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг «Суд ҳукми тўғрисида»ги қарорининг 9-бандига мувофиқ, агар ижтимоий хавфли қилмиш факти ва оқибатининг келиб чиққанлиги аниқланиб, бироқ суд муҳокамасида тақдим қилинган ва текширилган далиллар билан унинг судланувчи томонидан содир этилганлиги инкор этилса ёки ўз тасдиғини топмаса, суд шахснинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаганлиги сабабли оқлов ҳукми чиқаради (ЖПК 83-моддасининг 3-банди).

Ишда тўпланган далилларнинг етарли эмаслиги, қонунга зид равишда олинганлиги сабабли улар далил ҳисобланмаслиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг тўлиқ айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги терговчи ёки суднинг асослантирилган хулосаси ЖПК 83-моддасининг 3-банди билан жиноят ишини тугатиш ёки оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатишнинг (Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасида 13 та асос мавжуд) [11, Б.110-115].

Муддат ўтганлиги сабабли жиноят ишини тугатишда ЖКнинг 64-моддасида белгиланган жавобгарликка тортиш муддатининг ҳақиқатда ўтиб кетганлик ҳолатини, муддатнинг узилган ёки узилмаганлик, жиноят ишининг тўхтатиб турилганлик ёки турилмаганлик ҳолатларини аниқлаш талаб этилади. Шахснинг (айбланувчи, судланувчи) вафот этганлик ҳолати бўйича жиноят ишини тугатишда ўлимнинг ҳақиқатда рўй берганлик фактини, жиноятни ҳақиқатдан ҳам вафот этган шахс томонидан содир этилганлигини аниқлаш лозим.

Жиноят ишини шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатилишида (ЖПК 84-моддасининг бешинчи қисми) қуйидаги ҳолатлар исботланган бўлиши шарт:

1) жиноят ишини тугатиш бўйича шахснинг ихтиёрий розилиги (гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи) мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

2) айбини бўйнига олиш тўғрисида арз билан мурожаат қилинган бўлиши лозим. Бунда, арз шахсга нисбатан гумон ёки айб эълон қилинишидан олдин берилиши, шахс биринчи марта жиноят содир этган бўлиши ҳамда содир этилган жиноят оғирлик даражасига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига кириши талаб этилади;

3) чин кўнгилдан пушаймон бўлиши ҳамда жиноят очишга фаол ёрдам берган бўлиши талаб этилади. Бунда, шахснинг чин кўнгилдан пушаймонлиги нималарда ифода этилиши (зарарни қоплаши), жиноят очишга фаол ёрдам берганлик ҳолатини (жиноий шерикларини фош этиши, режалаштирилган жиноят ҳақида айтиб бериши, ашёвий далилларни тақдим этиши) аниқлаб бериши талаб этилади.

Таҳлил натижалари юзасидан, жиноят ишини тугатишда исбот қилиш масаласини такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар тақлиф этилади:

биринчидан, жиноят ишини реабилитация асосларига кўра тугатишда исботлаш предметига кирадиган ҳар бир ҳолат суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан исботланиши шарт.

иккинчидан, муддат ўтганлиги сабабли жиноят иши тугатилган тақдирда жиноят натижасида етказилган зарар миқдори ва зарарни қоплаш масаласини қайта кўриб

чиқиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, илғор халқаро стандартлар ҳамда ривожланган хорижий давлатлар амалиётини таҳлил қилган ҳолда жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш, ишни тугатиш босқичида исбот қилишни амалга оширишда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилинишини таъминлаш шарт.

Иқтибослар / Сноски / References:

В Республике Узбекистан ограничение доступа к информационным ресурсам, к которым относится и социальные сети, осуществляется в рамках законодательства об информатизации и персональных данных.

Основания для ограничения доступа к социальным сетям в Узбекистане указаны в двух законах страны – «Об информатизации» и «О персональных данных».

Первое основание предусмотрено в части третьей статьи 12¹ Закона Республики Узбекистан «Об информатизации», ограничение доступа к социальным сетям осуществляется при неисполнении владельцем социальной сети или страницы в ней, а также блогером требований по размещению общедоступной информации в социальных сетях [2]. Следовательно, эти требования обязательны как для владельца социальной сети, так и для пользователя, размещающего общедоступную информацию. Последний на «языке» законодателя определяется как блогер.

Требования размещения общедоступной информации в социальных сетях можно подразделить на две части: требования **по содержанию** и требования **достоверности**.

Требования по содержанию предусматривают недопустимость распространения контента определенного вида. Так, часть первая статьи 12¹ Закона Республики Узбекистан «Об информатизации» предусматривает **11 категорий** (до 2021 года – 7 категорий) контента, который запрещается размещать. Условно их можно подразделить на три категории:

- первая категория контента посягает на права личности (информация, порочащая честь и достоинство граждан; распространение сведений о частной жизни; информация, побуждающая или склоняющая к действиям, угрожающим жизни или здоровью человека);

- вторая категория контента посягает на интересы общества (распространение фейков, содержащих угрозу общественному порядку или безопасности; информация, возбуждающую национальную, расовую, этническую или религиозную вражду; пропаганда наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров; пропаганда порнографии, культа насилия и жестокости);

- третья категория контента представляет угрозу государству (призыв к насильственному изменению существующего конституционного строя, территориальной целостности Республики Узбекистан, к массовым беспорядкам, насилию над гражданами; пропаганда войны, насилия и терроризма, а также идей религиозного экстремизма, сепаратизма и фундаментализма; разглашение сведений, составляющих государственные секреты или иную охраняемую законом тайну; распространения информации, демонстрирующей неуважение к государству и государственным символам).

В рамках категорий запрещенного контента также выделяется «информация, размещаемая для совершения других действий, влекущих за собой уголовную

и иную ответственность в соответствии с законом». На наш взгляд, данная формулировка является неудачной. Так как, подобная формулировка может повлечь за собой различное толкование. Особенно фраза «иная ответственность». Ограничение доступа к социальным сетям должно быть конкретным и не подлежать расширительному толкованию. Поэтому следует избегать общих фраз и выражений, особенно, когда речь идет об ограничении в Интернет-пространстве. Такая позиция прослеживается в ряде международных актов. Так, **Страсбургская декларация о свободе общения в Интернете** предусматривает, что государственные органы не должны, за счет мер общего блокирования или фильтрации лишать общественности доступа к информации и другим коммуникациям в Интернете, а блокирование доступа к ним должно осуществляться при наличии решения компетентного органа о незаконности контента [5].

Требование по достоверности обязывает проверять верность и соответствие действительности распространяемого контента до его распространения. То есть, перед публикацией блогер обязан проверить верна ли размещаемая информация, достоверны ли указанные в этой информации различные данные (статистика, новости или примеры). Данная обязанность возлагается на владельца веб-сайта и блогера.

Также в рамках требований по достоверности законодатель обязывает осуществлять мониторинг социальных сетей для выявления возможных нарушений требований законодательства. В вопросе мониторинга контента в социальных сетях целесообразно рассмотреть опыт таких платформ, как **Meta (Facebook)** и **Twitter**, которые стали де-факто общественными площадками во многих странах. Эти социальные сети запрещают посты, пропагандирующие культ насилия или жестокости, порнографию, а также любой контент, расценивающийся как оскорбление человека по признакам расы, пола или иных дискриминационных характеристик. Эти платформы, как правило, соответствуют законам стран, в которых они работают. В дополнение к использованию программного обеспечения для фильтрации контента, основанного на умных технологиях, Facebook, Twitter и YouTube (который принадлежит Google) имеют штат сотрудников для проверки сообщений на предмет нарушений.

Рассматриваемые платформы также предприняли шаги по ограничению дезинформации, в том числе путем проверки фактов в сообщениях, маркировки аккаунтов государственных СМИ и запрета политической рекламы. Все это указано в **пользовательских соглашениях**. Подобный расклад является эффективным, так как предусматривает фильтрацию контента самим владельцем или оператором социальных сетей без государственного вмешательства. На наш взгляд, эту же практику следует применять и в Узбекистане. В пункте 328 Государственной программы по реализации Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы в «Год обеспечения интересов человека и развития махалли» предусмотрена задача по созданию современных коммуникационных программ и мессенджеров для защиты персональных данных граждан. Неопределенность правового статуса использования социальных сетей может повлечь проблемы в реализации вышеуказанной задачи, а также в правоприменительной практике и квалификации правонарушений. Поэтому важно применять практику повышения ответственности и мониторинга самих владельцев социальных сетей и блогеров над контентом.

Следует отметить, что мониторинг контента социальных сетей осуществляется государством в лице **Агентства информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан**. Агентство в рамках возложенных на него задач осуществляет мониторинг социальных сетей и иных Интернет-ресурсов. При выявлении нарушений требований размещения общедоступной информации **Центр по вопросам массовых коммуникаций** этого Агентства направляет запрос лицу, который разместил общедоступную информацию, с требованием удалить пост в течение 24 часов. Запрос может касаться как самого

поста, так и комментариев к ним. Одним из примеров может послужить запрос Центра к администратору канала «TROLL.UZ» от 23 мая 2022 года, в котором было указано на 34 комментария неприличного или оскорбительного характера, требующих удаления. Следовательно, владелец или блогер обязаны также следить за комментариями, которые включаются в состав контента.

Также такой мониторинг осуществляется со стороны **правоохранительных органов** для выявления случаев совершения правонарушений или преступлений.

Второе основание вытекает из сущности статьи 27¹ Закона Республики Узбекистан «О персональных данных», согласно которой при обработке персональных данных граждан Узбекистана в Интернете собственник или оператор социальной сети обязан обеспечить их сбор, систематизацию и хранение в базах персональных данных на технических средствах, которые физически размещены на территории Узбекистана и зарегистрированы в установленном порядке в Государственном реестре баз персональных данных [3].

Хотя в Законе не указано, что невыполнение этих указаний влечет ограничение доступа к социальным сетям, но нарушение данных требований на практике влечет за собой ограничение доступа. Ярким свидетельством этого является ограничение доступа социальным сетям «Wechat», «ВКонтакте», «TikTok» и «Twitter» с 2 июля 2021 года в соответствии с предписанием и представлением Государственной инспекции по контролю в сфере информатизации и телекоммуникаций Республики Узбекистан [15]. 3 ноября 2021 года был ограничен доступ также к таким социальным сетям, как Telegram, Facebook, «Одноклассники», YouTube, однако через несколько часов доступ был восстановлен [16]. Это событие вызвало резонанс среди пользователей. Также это повлекло за собой освобождение от должности некоторых должностных лиц в этой сфере. Вообще этот пример наглядно показывает насколько важно обдуманно и эффективно подходить к вопросам ограничения доступа к ресурсам в сети Интернет.

Как мы видим из анализа существующих оснований для ограничения доступа к социальным сетям, подобное действие осуществляется **Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан** (случаи нарушения требований размещения общедоступной информации) или **Государственной инспекции по контролю в сфере информатизации и телекоммуникаций Республики Узбекистан** (случаи с персональными данными). Именно эти органы осуществляют организационно-технические мероприятия по ограничению доступа к социальным сетям.

Вопрос ограничения доступа к социальным сетям также представляет интерес. Так, согласно действующему порядку (Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 05.09.2018 года № 707 «О мерах по совершенствованию информационной безопасности во всемирной информационной сети Интернет») ограничение доступа к информационным ресурсам осуществляется на основании заключения Центра по вопросам массовых коммуникаций Агентства информации и массовых коммуникаций или решения Экспертной комиссии в сфере информации и массовых коммуникаций [4]. При этом заключение Центра или решение комиссии могут быть обжалованы в судебном порядке.

Информационные ресурсы (веб-сайты, включая социальные сети) содержат массив информации, находящихся в открытом доступе. Доступ к информационным ресурсам является способом реализации конституционного права на свободу мысли, слова и убеждений, а также поиск, получение и распространение информации.

Согласно статье 19 Конституции Республики Узбекистан права и свободы граждан, закрепленные в Конституции и законах, являются незыблемыми, и никто не вправе без суда лишиться или ограничить их [1]. Следовательно, ограничение доступа к информационным ресурсам является ограничением прав личности, в связи с чем подобное действие должно осуществляться исключительно судом.

С учетом вышеизложенного действующий порядок ограничения доступа к информационным ресурсам противоречит сущности Конституции Республики Узбекистан. Такое же мнение поддерживает А.К.Расулев, который указывает, что суд является конечной инстанцией, которая осуществляет правосудие, в связи с чем судебный порядок является справедливым [10, С.227].

Отчет международной организации Freedom House показывает, что **зарубежная практика** ограничения доступа к социальным сетям также является неоднозначной. Так в Германии Закон о защите прав в сети, известный как Network Enforcement Act (**NetzDG**), требует, чтобы компании социальных сетей быстро удаляли «явно незаконный» контент, включая разжигание ненависти. В противном случае администраторам социальных сетей грозят крупные штрафы [14].

В США и многих **странах Западной Европы** компании, работающие в социальных сетях, пользуются строгой защитой ответственности и в значительной степени саморегулируются. То есть основной упор делается на определение незаконности контента, который определяются федеральным законодательством или законодательством штатов [14].

Законодательство **Австралии** предусматривает, что администраторы социальных сетей должны быстро удалять «материалы с применением откровенного насилия или жестокости», в противном случае возможно наложение санкций в виде штрафов. Подобная ответственность была принята после теракта в Крайстчерче, который транслировался в прямом эфире на Facebook [14].

В Индии платформы социальных сетей, как правило, освобождаются от ответственности за определенный пост или комментарий, но могут быть вынуждены удалить контент. Однако, по данным Freedom House участились случаи отключения Интернета, и правительство стремится установить больший контроль над некоторыми платформами [14].

Во многих странах Латинской Америки, в частности **Бразилии** платформы социальных сетей находятся в свободном доступе. Однако законодательный орган рассматривает законопроект, который, как опасаются правозащитные организации, подрвет свободу выражения мнений [14].

Один из самых строгих законов о Интернет-цензуре в мире функционирует в **Китае**. В Китае многие зарубежные социальные сети запрещены, а их китайские аналоги находятся под пристальным наблюдением правительства [14].

Как мы видим, в США и Европе платформам социальных сетей в значительной степени предоставлено самим определять и проводить в жизнь свою собственную политику. В некоторых странах внедрен механизм контроля за онлайн-пространством. Такого подхода придерживаются Австралия и Германия [14].

На основании анализа научно-теоретических воззрений ученых и законодательства Республики Узбекистан, можно сделать следующие выводы:

1. Необходимо внедрить порядок ограничения доступа к информационным ресурсам, в частности к социальным сетям, веб-сайтам и веб-страницам в сети Интернет, содержащих информацию, распространение которой запрещено законодательством Республики Узбекистан, только на основании **решения суда**.

2. Целесообразно определить на уровне закона порядок, условия и содержания **пользовательского соглашения** в социальных сетях, в первую очередь, в национальных социальных сетях. Это позволит регулировать вопросы мониторинга и фильтрации контента без участия государства.

3. Следует конкретизировать условия и основания ограничения доступа к социальным сетям, не допуская расширительное толкование норм законодательства. В этих целях следует **кардинально пересмотреть нормы законодательства об информатизации и о персональных данных**. На наш взгляд, механизм ограничения доступа должен быть универсальным и конкретным.

В любом случае к вопросу ограничения свободы доступа к социальным сетям

следует подходить с осторожностью, не допуская необоснованное и незаконное ограничение свободы слова и обмена информацией в Интернете.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. Конституция Республики Узбекистан (Constitution of the Republic of Uzbekistan) // <https://lex.uz/docs/35869>.
2. Закон Республики Узбекистан от 11 декабря 2003 года № 560–II «Об информатизации» (Law of the Republic of Uzbekistan No. 560–II dated December 11, 2003 “On informatization”) // <https://lex.uz/docs/82956>.
3. Закон Республики Узбекистан от 2 июля 2019 года № ЗРУ–547 «О персональных данных» (Law of the Republic of Uzbekistan dated July 2, 2019 No. LRU–547 “On personal data”) // <https://lex.uz/docs/4396428>.
4. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 5 сентября 2018 года № 707 «О мерах по совершенствованию информационной безопасности во всемирной информационной сети Интернет» (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 707 dated September 5, 2018 “On measures to improve information security in the World Information network Internet”) // <https://lex.uz/docs/3893082>.
5. Декларация о свободе общения в Интернете, принятая в Страсбурге, 28 мая 2003 года Комитетом Министров Совета Европы на 840-м заседании заместителей министров (Declaration on Freedom of Communication on the Internet, adopted in Strasbourg, May 28, 2003 by the Committee of Ministers of the Council of Europe at the 840th meeting of Deputy Ministers) // <https://medialaw.asia/document/-2358>.
6. Jones B.C. Is Social Media a Human Right? Exploring the Scope of Internet Rights. International Journal of Constitutional Law Blog, December 5, 2014. // <https://ssrn.com/abstract=2534617>.
7. Jørgensen R.F. A Human Rights-Based Approach to Social Media Platforms. Berkley Forum, February 26, 2021. // <https://berkleycenter.georgetown.edu/responses/a-human-rights-based-approach-to-social-media-platforms>.
8. Астапенко П.Н. Интернет, социальные сети и права человека. Институционально-правовые аспекты // Закон и право. 2019. №10. – С.15-21. (Astapenko P.N. Internet, social networks and human rights. Institutional and legal aspects // Law and Law. 2019. No. 10. – pp.15-21.) // <https://cyberleninka.ru/article/n/internet-sotsialnye-seti-i-prava-cheloveka-institutsionalno-pravovyye-aspekty>.
9. Емельянов Д.С., Овчинников А.А. Ограничение права на свободу слова в эпоху социальных сетей (Emelyanov D.S., Ovchinnikov A.A. Restriction of the right to freedom of speech in the era of social networks // Education and law. 2021. No. 3. – pp. 46-53) // Образование и право. 2021. №3. – С. 46-53. // <https://cyberleninka.ru/article/n/ogranichenie-prava-na-svobodu-slova-v-epohu-sotsialnyh-setey>.
10. Расулев А. Информационная безопасность в условиях пандемии коронавируса // Review of law sciences. 2020. №. 2. – С. 224-228. (Rasulev A. Information security in the context of the coronavirus pandemic // Review of law sciences. 2020. No. 2. – pp. 224-228.) // <https://cyberleninka.ru/article/n/informatsionnaya-bezopasnost-v-usloviyah-pandemii-koronavirusa>.
11. Рустамбеков И.Р. Об определении правового понятия сети Интернет // Информационное право. 2015. № 3. – С. 22-26. (Rustambekov I.R. On the definition of the legal concept of the Internet // Information law. 2015. No. 3. – pp. 22-26.) // <https://wiselawyer.ru/poleznoe/82223-opredelenii-pravovogo-ponyatiya-seti-internet>.
12. Ульянов М.В. Противодействие преступности в сфере информационно-коммуникационных технологий в условиях применения карантинных мер // Национальная безопасность / nota bene. 2020. №2. – С. 52-61 (Ulyanov M.V. Countering crime in the field of information and communication technologies in the context of quarantine measures // National security / nota bene. 2020. No.2. – pp. 52-61.) // <https://cyberleninka.ru/article/n/protivodeystvie-prestupnosti-v-sfere-informatsionno-kommunikatsionnyh>.

[tehnologiy-v-usloviyah-primeneniya-karantinnyh-mer.](#)

13. Timberg C., Dwoskin E. and Albergotti R. Inside Facebook, Jan. 6 violence fueled anger, regret over missed warning signs // <https://www.washingtonpost.com/technology/2021/10/22/jan-6-capitol-riot-facebook/>.

14. The Crisis of Social Media. Report of Freedom House // <https://freedomhouse.org/report/freedom-net/2021/global-drive-control-big-tech>.

15. Реестр нарушителей прав субъектов персональных данных (Register of violators of the rights of personal data subjects) // <https://pd.gov.uz/spoiler/?type=spoiler>.

16. «Узкомназорат» ограничил доступ к Telegram, Facebook, Instagram и другим соцсетям (Instagram Facebook, Instagram and other social networks have been restricted by Uzkomnazorat.) // <https://www.gazeta.uz/ru/2021/11/03/restrictions/>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ШУКУРОВА Мухаё Мукумжановна

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятидаги
Халқ қабулхонаси етакчи мутахассиси

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ШУКУРОВА М.М.
Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда давлат
органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш
масалалари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2022)
Б. 97-106.

 4 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-4-12>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби борасидаги фикр-мулоҳазалар баён этилган. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ўз вақтида тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш ва давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда жавобгарлигини кучайтириш масалалари тўғрисида фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, Халқ қабулхоналари, маъмурий жавобгарлик, фуқаролар мурожаатлари институти, ҳамкорлик масалалари.

ШУКУРОВА Мухаё Мукумжановна

Ведущий специалист народной приёмной Президента Республики
Узбекистан по Ташкентской области

ВОПРОСЫ УСИЛЕНИЯ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ДОЛЖНОСТНЫХ ЛИЦ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ОРГАНОВ И ОРГАНИЗАЦИЙ ПРИ РАССМОТРЕНИИ ОБРАЩЕНИЙ ФИЗИЧЕСКИХ И ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ

АННОТАЦИЯ

В статье представлены особенности рассмотрения обращений физических и юридических лиц в Узбекистане. Представлена точка зрения о разработке механизмов, обеспечивающих своевременное и полное рассмотрение обращений физических и юридических лиц, а также усилении ответственности органов государственной

власти и их должностных лиц при рассмотрении обращений граждан.

Ключевые слова: Обращения физических и юридических лиц, Народные приёмные, административная ответственность, институт обращений граждан, вопросы сотрудничества.

SHUKUROVA Mukhayo

Leading specialist of the People's reception of the President of the Republic of Uzbekistan in the Tashkent region

ISSUES OF STRENGTHENING THE RESPONSIBILITY OF OFFICIALS OF STATE BODIES AND ORGANIZATIONS WHEN CONSIDERING APPEALS OF NATURAL AND LEGAL PERSONS

ANNOTATION

The article presents the opinions on the procedure for reviewing the appeals of natural persons and legal entities. Opinions have been expressed on the development of mechanisms to ensure the full review of the appeals of individuals and legal entities in a timely manner, as well as on the issues of strengthening the responsibility of state authorities and their officials in the consideration of citizens' appeals.

Keywords: Appeals of individuals and legal entities, people's receptions, administrative responsibility, institute of citizens' appeals, issues of cooperation

Ўзбекистонда инсонпарвар демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг конституциявий-ҳуқуқий концепцияси вужудга келиши ҳозирги янги сифат босқичида аввалло инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг умумэътироф этилган халқаро андозалари соҳасини объектив таҳлил этиш ҳамда уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш билан бевосита боғлиқдир. Асосий қадриятларни ўзида мужассам этилган аҳолининг ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини босқичма-босқич янада кенгайтириш борасида фуқаро мурожаатлари институтининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда давлат ва индивид ўртасидаги муносабатларни акс эттиради.

Халқ қабулхоналари бошқа давлат органлари ва жамоатчилик билан бирга мурожаатларни кўриб чиқишда марказий давлат идорасига айланиб, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш орқали ҳам бу соҳани ҳозирги талаб даражасида тартибга солишга ҳаракат қилишмоқда. Шу билан бирга бу жараён ниҳоятда кенг, кўптармоқли, жамиятимиз муносабатларини деярли барчасини қамраб олганлиги давлат органлари мансабдор шахслар ва ходимларидан ниҳоят катта этибор, юқори масъулият ва катта билим ва тажрибани талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади давлат органлари ва давлат муассасаларига, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, бу соҳада уларнинг юқори маъсуллигини ва яқин ҳамкорлигини назарда тутди [1]. Демак ҳозирги даврда Халқ қабулхоналари бу масалада мурожаатларни бевосита ўзлари кўриб чиқишлари ҳамда бу ишни бошқа мутасадди органларга йўллашга ҳақлидир.

Шундай бўлганда ҳам улар мурожаатлар ижросини ўзининг таркибида ҳамда

бошқа давлат органлари ходимларга нисбатан уларнинг бу соҳадаги ишларини кузатиб назорат олиб бориши ва мансабдор шахсларнинг маъсулиятини, қолаверса прокуратура органлари билан жавобгарлигини оширишига катта эътибор берилиши самарали натижа беради. “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Намунавий низомда [2] бундай ҳуқуқий асослар бевосита келтирилмаган. Лекин амалиётда кейинги йилларда мурожаатлар ижроси Халқ қабулхоналари ва давлат органлари биргаликдаги яқин фоолияти туфайли амалга оширилмоқда. Халқ қабулхоналари ва бошқа давлат органлари мансабдор шахсларининг бундай ҳамкорликни такомиллаштириш ва уларни маъсулиятини ошириш ва жавобгарлигини белгилаш каби масалалар долзарб муаммо сифатида ўрганиб чиқилиши лозим. Маълумки, бу институт жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий элементларидан бири бўлиб фуқаролар ва давлат органлари ўзаро мулоқотининг ўзига хос шакли сифатида кўриб чиқилганлигини ҳам таъкидлаш зарур. Бундай мулоқотнинг заифланиши ёки тугатилиши давлатнинг барқарорлигига зарар келтиради ва фуқароларнинг норозилигига олиб келади. Масалан, фуқароларнинг мурожаатлари кўпинча давлат мансабдор шахслари ёки умуман бирон-бир ҳокимият эътиборидан ўтган муаммони очиб, аппаратини, яъни ходимларни камчиликларини кўрсатиб уни яхшилашга, бартараф этишга ёрдам беради. Мурожаатларда қонунчиликка бевосита ўзгартириш ва қўшимчалар таклиф қилинмаса ҳам кўтарилган муаммолар қонун-ҳужжатларни такомиллаштиришга сабаб бўлиши мумкин.

Барча тарихий даврларда мурожаатларни фуқаролар ва ҳокимликлар ўртасидаги мулоқотнинг ўзига хос шакли сифатида кўриб чиқилганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи - давлат механизмини машҳур эҳтиёжларга мувофиқ йўналтириш ва тузатиш, ўз вақтида намоён бўладиган муаммоларни ҳал қилиш имконини берувчи муаммолар ва қийинчиликлар ҳақида фикр ва иш сифати ва камчиликлари ҳақида маълумот олиш воситасидир. Е.И.Бичкова ва И.Е.Поповлар “давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларда мувозанатни ўрнатиш учун жамият ва ҳокимият ўртасида самарали мулоқот тизимини яратиш, давлат органи фоолиятини қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик ишончини оширишга ёрдам берадиган алоқа каналларини яратиш керак» деб ёзадилар [3].

Қозоғистон Республикаси қонунчилигида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби сифатида «инсоннинг давлат ички ва ташқи сиёсатига, шунингдек, жамоат характеридаги воқеа ва ҳодисаларга бўлган муносабатининг ифодаси белгиланган [4]. Русолими М.А.Мироновнинг сўзларига кўра, бу ҳолда назоратнинг энг яхши шакли мурожаатларга асосланган текширишлардир [5]. Тожикистон Республикасининг «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида» ги Қонунининг 9-моддасида мансабдор шахслар, фуқаролар мурожаатларини ҳар томонлама, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш мақсадида масъул мансабдор шахсларни чақириш, шунингдек, ходимларни текширишлар учун жойларга юбориш ҳуқуқига эга дейилган [6]. Лекин, давлат органлари, мансабдор шахслар барча келган шикоят ва аризаларни ўз иш юритувига олиш ва текширувлар ўтказиш имкониятига эга эмас. Шунинг учун ҳам мурожаатларнинг деярли барчаси маҳаллий органларга кўриб чиқиш учун йўналтирилади улар эса ўз навбатида мурожаатларга тўғри муносабатда бўлмасдан уларни чуқур ва малакали кўрилмаслиги сабабли ноқонуний қарорлар қабул қилиш, мурожаатларни кўриб чиқишни рад этиш ёки унинг муддатларини бузиш ҳоллари ва уларни кўриб чиққан ходимларнинг масъулиятсизлиги ва совуққонлигига юқори давлат органлар томонидан тўғри баҳо берилмасдан ходимлар оддий муҳокама, эътироз билан чекланиб одатда жавобгарликка тортилмасдан қоладилар.

Маълумки, ҳокимият субъектларининг ишларини энг юқори даражага кўтарилиши ва уларга нисбатан аҳолининг ишончини орттириши лозим бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги ўз фаолиятининг натижалари учун давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахсларига нисбатан юридик жавобгарлик механизми қонунчилик даражасида яратилган. Юридик адабиётларда масъул ходимлар жавобгарлик масаласига катта эътибор қаратилган. А.В.Новиковнинг фикри бўйича “юридик жавобгарликнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарур” [7]. Юридик жавобгарлик – бу ҳуқуқий нормалар талабларига нисбатан уларга онгли равишда риоя қилиш ва бажаришни тақозо этадиган муносабат, бузилганда эса шахснинг муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги салбий оқибатларга дучор бўлиш зарурати” [8], деган фикр умумэтироф этилган нуқтаи назарга айланди. Бу “миллий қонунчиликда давлат томонидан назарда тутилган ҳамда у тан олган халқаро ҳуқуқ нормаларидаги қонуний ваколатлар доирасидан четга чиқиш, ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик ёки жабрланган шахслар ҳуқуқларини тиклаш, уларга етказилган зарарни қоплаш ҳамда айбдор давлат органлари ва мансабдор шахсларга жазонинг муқаррарлигини таъминловчи умуман давлат, унинг ҳар қандай органи ва мансабдор шахслари томонидан тақиқларнинг бузилганлиги учун самарали давлат институтларининг санкцияларини амалга оширишдир” [9]. Шунинг учун бундай жавобгарлик доирасида амалга ошириладиган давлат фаолиятигина давлат ҳокимияти органлари томонидан жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг ҳар қандай бузилишини реал ҳимоя қилишга ёрдам беради. Давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг жавобгарлиги масаласи жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг лозим даражада кўриб чиқилишини таъминлаш механизмидаги энг муҳим масала ҳисобланади [10]. Жавобгарлик – бу ижтимоий муносабатлар тартиботининг мажбурий намоён бўлиши тариқасида объектив мавжуд бўладиган ҳодисадир. У ижтимоий мулоқот субъектлари ҳатти-ҳаракатлари (муомаласи)га мувофиқлигининг объектив заруратини акс эттиради. Дарҳақиқат, мурожаатни ўрнатилган тартибга мувофиқ холисона кўриб чиқиш давлат ва жамият ҳамкорлигига катта таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли ҳам у ўз муаммоларининг ҳал этилишидан умидвор бўлиб мурожаат қилган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилиши лозим.

Фуқаролар мурожаатлари институтини такомиллаштиришнинг яна бир жиҳати, бизнингча, мурожаатнинг юқори сифат даражасида кўриб чиқилганлигига бевосита таъсир этувчи масъулиятдир. Бу эса фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунни бузганлик учун жавобгарликни назарда тутди. Бундай ҳолда, биз биринчи навбатда манфаатдормиз, унга кўра биз юридик жавобгарлик ҳақида гапиришимиз мумкин. Иккинчиси ҳуқуқий нормалар талаблари бузилганда юзага келади. Бундай жавобгарлик ҳуқуқбузарга нисбатан давлат томонидан муҳофаза қилиш чораларини қўллашни ўз ичига олади [11]. Маълумки, жавобгарлик интизомий, маъмурий, фуқаролик ва жиноий бўлиши мумкин. Ҳаммаси содир этилган ҳуқуқбузарликнинг хусусиятига боғлиқ. Шу билан бирга юридик жавобгарликнинг ҳар бир тури ўзига хос жазо чоралари ва уларни қўллашнинг махсус тартиблари билан ажралиб туради [12]. Ҳокимиятнинг барча даражаларидаги мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби соҳасидаги аксарият ҳуқуқбузарликлар тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига ҳалақит берадиган тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, қонунчиликка зид келадиган идоравий қарорларни бекор қилиш, ишга жойлашиш, соғлиқни сақлаш, банк кредитларидан эркин фойдаланиш, уй-жой коммунал ва йўл транспорт хизматлари сифатини яхшилаш масалалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, суд-ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг фаолияти бўйича [13]

юримдик жавобгарликнинг самарали чораларини қўллашни тақозо этади. Ахир бундай ҳуқуқбузарликлар давлат ҳокимияти вакилларига нисбатан ишончининг камайиши, аҳолининг кўз олдида нафақат алоҳида мансабдор шахслар, балки бутун давлатнинг обрўсизланишига олиб келади. Муайян шахсининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузганлик ёки уни амалга оширишни чеклаганлик учун илгари тавсифланганига қараганда, одатда, кескинроқ чоралар қўлланилмайди, чунки улар субъектив ҳуқуқлар ёхуд муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларини бузганлик учун амалдаги қонунчиликнинг соҳавий ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган.

Юқорида баён қилинган фикрлар мазмунидан келиб чиқиб, қонуний манфаатларни бузганлик учун юримдик жавобгарлик мавжуд бўлишининг қуйидаги асосий мақсадларини алоҳида ажратиб кўрсатамиз:

– субъектнинг қонуний манфаатларини амалга ошириш, ҳуқуқий муносабатларнинг турли иштирокчилари айби билан қонунга мувофиқ ва қонун билан тақиқланмаган интилишларни амалга ошириш йўлида юзага келадиган тўсиқларни бартараф этишга кўмаклашиш;

– ўзгаларнинг манфаатларини бузувчи шахсга давлат мажбурлови ва муайян муносабатларда иштирок этишга тегишли давлат органларининг ваколати билан таъсир кўрсатиш.

Ушбу таъсир кўрсатиш ҳуқуқ бузувчига нисбатан содир этилган қилмиш учун салбий оқибатларга дучор бўлиш мажбурияти тариқасида татбиқ этилади. Бу қуйидагиларга имкон беради: а) бузилган ҳуқуқ ҳамда мавжуд ижтимоий алоқалар ва муносабатлар мувозанатини қайта тиклаш; б) айбдор шахсга нисбатан жавобгарликнинг жазоловчи кучини амалга ошириш, бу ҳар қандай турдаги жавобгарликка, жумладан, қонуний манфаатларни бузганлик учун жавобгарликка ҳам ёки ноқулайликдан ортиқ даражада чекламаслиги ҳисобланади. Жавобгарликнинг асосий белгиси эса унинг манфаатдор субъектга қонун билан қўриқланадиган манфаатни амалга ошириш (бу биринчи навбатдаги устуворлик ҳисобланади) ва қонуний манфаатни бузувчини жазолаш (бу эса иккинчи даражали хусусиятга эга бўлган жавобгарликнинг ретроспектив жиҳати) имконини беришидир.

Шундай қилиб, қонуний манфаатларни бузганлик учун жавобгарлик кўриб чиқиладиган тоифа тўғрисида айнан ҳуқуқий тизимда вужудга келган тўлақонли институт нуқтаи назаридан ёндашиш имконини беради. Давлатнинг шахс олдидаги жавобгарлиги ва масъуллиги принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида ўз аксини топган бўлиб, соҳавий қонунчиликда ривожлантирилади ва янада аниқлаштирилади: “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар” [14]. Масалан, Ўзбекистонда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш тизими амал қилади, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни қоплаш тўғрисида моддий-ҳуқуқий нормалар қабул қилинган ва амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юримдик шахсларнинг мурожаатларитўғрисида”ги Қонунининг 15-моддасида таъкидланишича, давлат ўзининг органларига мурожаат этиш ҳуқуқини кафолатлайди, мурожаатни қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этилганлиги устидан шикоят қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Бу мурожаат этиш ҳуқуқини бузувчи шахс ўз қилмиши учун назарда тутиладиган жавобгарликдан далолат беради. Қонуннинг 38-моддасида тўғридан-тўғри айтиладиги, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, худди шунингдек, тухмат ва ҳақоратдан иборат мурожаат берганлик белгиланган тартибдаги жавобгарликка сабаб бўлади. Кўрсатилган

ҳуқуқларни бузганлик учун аниқ санкциялар эса маъмурий ва жиноят қонунчилигида белгиланган.

Юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддаси (Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик) шуни назарда тутадиги, “жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши ҳамда мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарор бажарилишини таъминламаганлик – мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади”. Кўриниб турибдики, ушбу норма жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузувчи қилмишлар учун маъмурий жавобгарликка сабаб бўлувчи ҳуқуқбузарликларнинг бешта таркибини санаб ўтади ва ушбу рўйхат тугал ҳисобланади, чунки мазкур модданинг матнида кўрсатилган моддани кенг шарҳлаш учун асос мавжуд эмас.

Шунга қарамадан, бизнинг фикримизча, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг айрим таркиблари маъмурий қонунчиликда назарда тутилмай қолган. Масалан, кодексда ўрнатилган тартибда мурожаат берганлиги ёхуд унда танқид мавжудлиги учун мурожаат берувчилар ва уларнинг оила аъзоларини таъқиб қилиш, шахсий қабул қилиш жадвалини аҳолига етказиш тартибини бузиш, шахсий қабул қилиш жадвалини қасддан бузиш, мурожаатни кўриб чиқишни ҳаракатлари устидан шикоят қилинаётган шахсга юбориш, мурожаатни қонунчиликда назарда тутилмаган асослар бўйича кўриб чиқмасдан қолдириш каби ҳуқуқбузарликлар таркиби мустаҳкамланмаган.

Булардан ташқари миллий қонунчилигимизга қуйидаги мансабдор шахслар жавобгарлигини кучайтириш билан бевосита боғлиқ меъёрлар билан тўлдириш мумкин:

- фуқаронинг талабига асосан мурожаатини ва унга илова қилинган материаллар мазмун-моҳиятини тушунтириш учун уларни қабул қилиш тўғрисидаги талабини қондиришдан асоссиз бош тортиш. Қонун билан қўриқланадиган материаллар бундан мустасно;

- мурожаатни кўриб чиқиш билан боғлиқ материаллар билан танишиш учун мурожаат қилувчиларни рад этиш. Қонун билан қўриқланадиган материаллар бундан мустасно (Татаристон Республикаси Конституциясининг 25-моддаси);

- аризани қабул қилишдан бош тортиш, мурожаат юзасидан қабул қилинган қарор ҳақида фуқарога жавоб бермаслик, шунингдек мурожаатни бошқа давлат органига йўналтириш ҳақида хабардор қилмаслик (Татаристон Республикаси «фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» ги Қонунининг 5 ва 9-моддалари);

- фуқаронинг мурожаатини тушган пайтдан эътиборан мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартибига риоя этмаслик;

- ҳаракатлари ёки камчиликлари ва қарорлари устидан шикоят қилинаётган ёки ғайриқонуний равишда хабар берилган органларга ёки мансабдор шахсларга фуқароларнинг шикоят ва баённомаларини юбориш;

- ёзма мурожаатда кўтарилган масалаларни ҳал этиш бир неча давлат органлари ваколатига кирганлиги сабабли фуқаронинг мурожаати нусхаларини тегишли давлат органларига юбормаслик;

- аризани кўриб чиқиш шартларини бузиш ёки қонунга хилоф равишда рад

этиш;

- фуқароларнинг мурожаатларини ҳар томонлама, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқишни таъминламаслик, рад этиш сабабларини аниқламаслик, шунингдек, қарордан шикоят қилиш тартибини тушунтирмаслик, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш ёки ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни кўрмаслик;

- тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ноқонуний қилмиш ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган тегишли органга мурожаатни юбориш лозимлиги тўғрисидаги ҳаракатсизлик;

- давлат органи раҳбари ёки мансабдор шахс ёки ваколатли шахс томонидан аризани кўриб чиқиш муддати чўзилганлиги сабаби тўғрисида фуқарога хабар бермаслик;

- фуқаронинг оғзаки мурожаати мазмунини унинг шахсий қабули карточкасида рўйхатдан ўтказиш қоидаларини бузиш;

- фуқарога мурожаатида ушбу давлат органининг ваколатига кирмаган масалалар мавжуд бўлса, қаерда ва қандай тартибда мурожаат қилиши лозимлигини тушунтиришдан бош тортиш.

Албатта, айтиш мумкинки, Кодекснинг бошқа моддалари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, Жиноят кодекси 144-моддасининг иккинчи қисмида жисмоний шахсни, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар давлат органига, давлат муассасасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикри ва мурожаатидаги танқид учун, худди шунингдек, бошқача шаклда танқид қилганлиги учун мансабдор шахс томонидан таъқиб этиш учун жавобгарлик мустаҳкамланган, бироқ бунгача бир йил мобайнида маъмурий жавобгарликка тортилганлик фактининг мавжуд бўлиши квалификация қилувчи аломат сифатида кўрсатилмаган. Ҳуқуқбузарликларнинг аралаш таркиби учун жавобгар бўлган ҳуқуқбузарликларнинг аралаш таркиби учун жавобгарлик турларига қуйидагиларни киритиш мумкин: 40-модда (туҳмат), 41-модда (ҳақорат қилиш), 42-модда (давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш), 44-модда (шахсга унинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этиш), 46-модда (маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш), 461-модда (шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш) ва бошқалар. Кўрсатилган нормалар мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида уларнинг бузилиши аниқланганда қўлланилиши мумкин. Бироқ, эътироф этиш жоизки, улар юридик амалиётда учраши мумкин бўлган мурожаат этувчи шахсларнинг барча бузилган ҳуқуқларини қамраб ололмайди.

Юқорида баён қилинганларга боғлиқ равишда, биз Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 43-моддасига “мурожаат этиш муносабати билан қабул қилинган қарорни бажариш” жумласидан кейин қуйидаги жумлани қўшишни таклиф қиламиз: “шахсий қабул жадвалини аҳолига етказиш тартибини бузиш, шахсий қабул қилиш жадвалини қасддан бузиш, мурожаатни кўриб чиқишни ҳаракатлари устидан шикоят қилинаётган шахсга юбориш, шунингдек, мурожаатни қонунчиликда назарда тутилмаган асослар бўйича кўриб чиқмасдан қолдириш” ва ушбу кодекснинг 15-моддаси нормасига мувофиқ, мурожаатлар соҳасидаги белгиланган қоидаларга риоя қилмаслик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жавобгарлик хизмат вазифасига тегишли мажбуриятларни бажаришни таъминлаш кирадиган

шахс зиммасида бўлади. Шу билан бирга, кодексга асосан, “доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-ҳўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс мансабдор шахс - деб эътироф этилади”. Бироқ мурожаатлар тўғрисидаги қонун ўз амал қилишини фақат давлат органларига татбиқ этишидан келиб чиқиб, кўриб чиқиладиган ҳуқуқбузарликларнинг субъекти фақат давлат органларининг мансабдор шахслари бўлиши мумкин. Маъмурий жазони қўллаш маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни бажармаганлиги учун маъмурий жазо қўлланилган мажбуриятини бажаришдан озод этмайди. Шунингдек, назарда тутиш лозимки, кодекснинг 38-моддасига мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахс ушбу ҳуқуқбузарлик билан етказилган зарарни қоплаши шарт. Бироқ агар ҳуқуқбузарликни содир этиш натижасида етказилган мулкий зарар белгиланган энг кам иш ҳақидан ортиқ бўлса, унда айбдорнинг ушбу зарарни қоплаши тўғрисидаги масалани маъмурий ишлар бўйича судья ёхуд фуқаролик ишлари бўйича суд ҳал қилади. Қонунчилик муайян ҳолатларда маъмурий жавобгарлик билан бирга жиноий жавобгарлик чораларини ҳам назарда тутаяди.

